

**«МАҲАЛЛА ХОДИМИ
МАҲАЛЛАДА
ЯШАЙДИМИ?»**



5

**«АЖРАШАМАН»
ДЕГАНГА ЖАРИМА
ҚўЛЛАНИЛСА...»**



7

**«Тўй-МАРОСИМЛАР
ЎТСА, БИЗ ХАБАРСИЗ
ҚОЛМАЙМИЗ»**



10

**«СПОРТГА ҚИЗИҚҚАН
КўП, АММО
МАЖМУАЛАР Йўқ...»**



13

**«НЕГА РАСМАН
ИШСИЗЛАРГА СУБСИДИЯ
БЕРИЛМАЙДИ?»**



16

**«МАҲАЛЛА МОЛИЯВИЙ
МУСТАҚИЛ БўЛАДИМИ?»**

2

**«РАИСЛАРГА СУБСИДИЯГА
ТРАНСПОРТ АЖРАТИЛСА...»**


8

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#33 (2119) | ШАНБА, 19 АВГУСТ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



**ХОРИЖГА
Ё ИЛМ,
Ё БИЛИМ
ЁКИ ҲУНАР
БИЛАН
БОРИНГ...**

2

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ, ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ
БўЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ»
ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БўЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ
ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:**

«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ – 600 000 Сўм;

«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ – 400 000 Сўм.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

Сўнги вақтларда фуқароларимиз тартибли равишда, давлат томонидан қатор ривожланган мамлакатларга меҳнат фаолияти учун юборилмоқда. Бунда уларнинг иш топиши, яхши маош олиши, муносиб шароитда яшаш учун тегишли шартномалар имзоланяпти. Ҳафтанинг асосий масаласида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Бехзод Мусаев Хитой Халқ Республикаси, Исроил Давлати, Корея Республикаси ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги делегацияларини қабул қилди.



Хорижга ё илм, ё билим ёки ҳунар билан боринг...

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Юй Сзюн билан самимий руҳда кечган музокаралар давомида икки давлат ўртасида сўнги йиллардаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқарилгани таъкидланди.

Юртимиз маҳаллаларидаги 9 минг 400 нафар ҳоким ёрдамчилари «Хитой тажрибаси асосида камбағалликни қисқартириш» мавзусида икки ҳафта мобайнида хитойлик мутахассислардан онлайн таълим олиши, 200 нафар ҳоким ёрдамчилари Хитойда тажриба алмашишга юборилиши ана шу мустақим алоқаларнинг самарасидир. Эндиликда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш – Хитой тажрибасидаги маркетинг ва мижозлар билан мулоқот қилиш кўникмалари бўйича ўқув дастурлари асосида ҳам йўлга қўйилади. Энергия тежовчи

технологиялар, электромобилларга техник хизмат кўрсатиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини сақлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш юзасидан ҳамкорликда ўқув курслари ташкил этилади.

Исроил Давлатининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Зехавит Бен-Хиллел билан учрашувда Ҳукуматлар ўртасида 2022 йил 27 июлда имзоланган «Ўзбекистон фуқароларини вақтинча ишлаш учун Исроил Давлати иқтисодий секторларига жалб қилиш тўғрисида Битим»ни самарали амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Эндиликда Исроилда вақтинча ишлаш учун қариялар ва ногиронларни парвардилаш соҳасига йилига 3 минг нафар ўзбекистонлик ҳамширалар жалб қилинади. Бунинг учун жорий йил 1 сентябрдан бошлаб барча вилоятлардаги

«Ишга марҳамат» мономарказларида ҳамшираларни мазкур йўналишда хизмат кўрсатишга ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этилади.

Корея Республикаси Қирол Сежонг корейс тили маркази Тошкент шаҳар филиали директори Хур Сеонг Хаенг ҳамда Наманган шаҳар филиали директори Сон Ин Сунг билан ўтган учрашув ҳам самимий мулоқотларга бой бўлди.

Учрашувда Кореяда ишлаш истагида бўлган фуқароларни корейс тилига ўқитиш сифатини ошириш, замонавий технологиялар асосида қисқа вақт ичида ўргатиш, ЭПС-Топик тест имтиҳонларига ихтисослаштирилган ўқув дастурлари асосида онлайн ва офлайн ўқувларни ташкил қилиш бўйича бир қатор келишувларга эришилди. Тил ўрганувчиларни ўқув қуроллари ва тарқатма материаллар билан таъмин-

лаш билан боғлиқ харажатлар Қирол Сежонг корейс тили маркази томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Мазкур ўқув курсларининг очилиши келгусида Кореяда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон фуқаролари учун ажратилган квоталарни сақлаб қолишга ва ёшларнинг тил ўрганиш имконияти орттиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур ўқув курслари Корея Республикаси томонидан тақдим этиладиган Е-9 визасидан ташқари, Е-7 ва Е-8 визалари бўйича ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Бехзод Мусаев ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Юсуф бин Солих ал-Ғахра ал-Утайбийнинг ўзаро учрашувда икки давлат Ҳукуматлари ўртасида 2022 йил

17 август куни Жидда шаҳрида имзоланган «Ишчиларни ёллаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим»ни самарали амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда битимга мувофиқ, Подшоҳлик тарафидан Иш берувчиларнинг имкониятлари ва талабларини ўрганиб чиқиш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ҳамда унинг тасарруфидаги Меҳнат миграцияси агентлиги масъулларидан иборат Техник кўмита тузилиб, тез фурсатда фаолиятини бошлаш борасида келишиб олинди. Шунингдек, Саудия Арабистони иш берувчилари ва рекрутнинг компаниялари вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш мақсадга мувофиқ экани айtilди.

ТАКЛИФ

«Маҳалла молиявий мустақил бўладими?»



Маҳалламизда 4 256 нафар аҳоли истиқомат қилади. Туман марказида жойлашганимиз учун аҳолининг асосий даромад манбаи – тадбиркорлик, савдосотикдан иборат. 2023 йилнинг май ойида охириги хатлов ўтказгандик. Ушунда 126 нафар ишсиз фуқаро аниқланган. Бу – олдинги хатловдагидан анча кам кўрсаткич. 2022 йилнинг охиридаги хатловда ишсизлар сони 314 нафар бўлган.

Отахон РАҲИМОВ,
Шеробод туманидаги
«Катта ҳаёт» маҳалласи раиси.

Ишсизларнинг бандлигини таъминлашда маҳаллий шароит, одамлар истаги ҳисобга олинди. Биринчи навбатда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича 50 нафардан ортик талабгорга имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди. Бундан ташқари, 90 нафардан зиёд фуқаро ўзини ўзи банд қилди. 30 нафардан кўпи давлат корхона ва ташкилотларига ишга жойланди. Қолаверса, маҳаллий тадбиркоримиз Нодир Ҳайитов ахборот-коммуникация соҳасига ихтисослашган корхона очиб, 20 нафарга яқин ёшнинг бандлигини таъминлади.

Маҳалламиз инфратузилмаси яхшиланди. 15 та кўчанинг 7,6 км. қисми асфальтланди. Электр энергиясидаги муаммоларни бартараф этиш, тунги чироқлар ўрнатиш каби масалаларни «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига киритдик. Агар танловда ютиб олсак, барча кўчаларимизга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Электр таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш учун барча хонадонларга қуёш панели ўрнатиш ишларини олиб бораёмиз. Ҳозирда 14 та хонадонга қуёш панели ўрнатилди.

Шу билан бирга, ишимиз самарали бўлиши учун маҳаллага ёр-



дамчи штат ажратилишини таклиф қилардим. Чунки ҳужжат ишларини қилсак, амалий ҳаракатлар қолиб кетяпти. Ёки аксинча бўляпти. Бундан ташқари, «Маҳалла бюджети» лойиҳасини тезроқ барча фуқаролар йиғинларига татбиқ этиш керак. Молиявий мустақилликка эришмаганимизча, амалда ҳам мустақил бўла олмаймиз. Қолаверса, маҳалла кенгаши аъзолари, айниқса, кўчабоши этиб тайинланган оқсоқолларни рағбатлантириш тизимини яратишимиз лозим.

ТАКЛИФ

«Ташаббусли бюджет»: Танлов мезони такомилга етганми?



Маҳалламиздаги ҳар бир муаммо босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Ўтган йиллари кўчаларни асфальтлаш, ичимлик сув масаласи ўта долзарб, аммо ҳар сафар ечимини топмас эди. Эндиликда вазият ўзгарган. Давлат иштирокида ҳам, аҳоли ташаббуси билан ҳам маҳалла инфратузилмага оид муаммолар ечиляпти.

Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 3 494 нафар аҳоли яшайдиган ҳудудимизга 3 700 метр ичимлик сув тармоғи тортилди. Асака-1, Асака-2, Мустақилликнинг 7 йиллиги, Фузулий, Фарғона кўчаларидаги хонадонларга оби-ҳаёт етиб келди. Мингчिनор кўчаси аҳолиси 100 фоиз ичимлик сув билан таъминланди. Бундан ташқари, Фарғона кўчасининг 400 метр, Янгиобод-1 кўчасининг 1 000 метрдан ортиқ қисми шағалланди. Галдаги режамиз шу шағалланган кўчаларни асфальтлаш. Бунинг учун «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида

иштирок этиб, ғолиб чиқишни ният қилганмиз.

Шу ўринда айтиш керакки, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси чинакам халқ хоҳишини амалга оширувчи шаффоф тизим бўлди. Бу лойиҳа одамларимизни маҳалла ҳаётига дахлдорлигини оширди. Улар муаммолар маҳалланики эмас, бизники, деган хулосага келишди. Эйтиборлиси, 2021 йилдаёқ аҳолимиз бунга ўз ҳаётларида гувоҳ бўлишди. Яъни шу йили қишлоқ врачлик пунктини капитал таъмирлаш лойиҳамиз «Ташаббусли бюджет»да ғолиб чиқди. Энди жорий йил том қисмини таъмирлаш таклифини танловга қўйдик.

Фақат «Ташаббусли бюджет»

лоийҳасида айрим камчиликларни ислоҳ қилиш керак, деб ҳисоблайман. Масалан, танловга қатнашаётган маҳаллалар аҳолисининг сони эйтиборга олиниши керак. Акс ҳолда аҳоли кўп яшайдиган ҳудудлар лойиҳаси ютиб кетяпти.

Яна бир таклифим — ишсизликни тугатишда йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш лозим. Айтайлик, бизда 60 нафар ишсиз бор. Аёллар 10 км. узокликда жойлашган тикувчилик корхоналарига қатнаб ишлашмоқда. Шу боис ҳудудимизда ҳам текстиль корхонаси очишни режа қилганмиз. Маҳаллий тадбиркоримиз янги корхона очиш баробарида 100 та иш ўрни яратмоқчи.

Дониёрбек ШЕРАЛИЕВ,
Улуғнор туманидаги
«Мингчिनор» маҳалласи
раиси.

МИНБАР

Тадбиркорга газ бериладию аҳолига берилмайдими?

Маҳалламиз Олтиариқ туманининг энг чекка қисмида, Риштон тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлса-да, аҳоли сони кўп: 1 012 та хонадон, 1 876 та оила бўлиб, 5 486 нафар аҳоли яшайди.



Бахтиёр ЭЛЧИЕВ, Олтиариқ туманидаги
«Азимобод» маҳалласи раиси.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда чоршанба кунини «бешлик» қабул кунини сифатида белгиланганмиз. Ҳар қандай масала шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда. Ҳал бўлмаганларини тегишли мутасаддиларга олиб чиқяпмиз. Бу билан одамларимиз муаммосига ечим излаб, идора-ма-идора сарсон бўлмаяпти. Жамоатчилик билан ишловчи ходимлар яқин кўмакчи. Масалан, 13 нафар оқсоқол маслаҳат ва насиҳатларини аямайди.

Асосий «драйвер»имиз — деҳқончилик, томорқачилик ҳисобланади. Хонадонларда бир қарич бўш ерни топа олмайсиз. Томорқа сифатида 130 гектар ердан самарали фойдаланилади. Одамларимиз бозорга қоп кўтариб, маҳсулот сотиб олишга боришни уят ҳисоблайди. Бундан ташқари, ҳудудда 19 та ғалла-пахта ҳамда чорвага ихтисослашган фермер хўжалиги бор. Ҳар бирида 30-50 нафаргача ишчи доимий меҳнат билан банд.

Маҳалладаги маммоларни ҳал этишда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси ажойиб имконият бўлди. Биз ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, 2023 йилда Уста деҳқон, Чимён, Олтин мерос кўчаларининг 3 км. қисмини асфальтладик. Навбатдаги танловга Боғёни, Дилхуз, Обод диёр, Хосиятли, Хуррамлик, Табобат, Жасорат, Олтин мерос, Чимён-2 кўчаларини асфальтлаш таклифини киритдик.

Шу кунгача томорқа учун заҳоб сувдан фойдаланиб келганмиз. Табиийки, бунда ҳосилдорлик яхши бўлмасди. Жорий йил Президентимизнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Катта Фарғона каналидан бетон арик ва қувурлар билан оқова сув тармоғи тортиб келиняпти. Бундан ташқари, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига яна 6 км.лик 2 та таклифимизни киритдик. Ғолиб чиқсак, Хосиятли, Чимён, Уста деҳқон, Мурабийлар кўчалари тўлиқ асфальтланади.

Маҳалламизда ҳал этилиши зарур бўлган бир неча муаммолар бор. Биринчиси, 1976 йилда ўрнатилган электр таянч устунлар, электр симлар, трансформатор, умуман тармоқни буткул янгилаш керак. Сал шамол бўлса, электрда узилишлар кузатилади. Бу масалани таклиф сифатида «Ташаббусли бюджет»нинг 2024 йил танловига қўймоқчимиз.

Иккинчи муаммо — ҳудудимизда болалар боғчасига эҳтиёж катта. Тўғри, давлат мактабгача таълим муассасаси ишлаб турибди. Лекин аҳоли сони ортиши баробарида боғча ёшидаги болалар сони ҳам ортиб борапти. Шу боис яна 100 ўринли боғча керак.

Навбатдаги муаммо — 2012 йилда узиб кетилган табиий газ тармоғини қайта тиклаш керак. Ушандан бери суўлтирилган газдан фойдаланамиз. Ваҳоланки, яқинда биздан атига 2,5 км. узокликда автомобилларга газ қуйиш шохобчаси қурилди. Фикримча, тадбиркорга берилган табиий газ аҳоли учун ҳам берилиши лозим. Бу масалада сектор раҳбарига мурожаат қилганмиз. Ҳозирда сектор раҳбари — туман прокурори Рустамжон Тиллаев таклифимизни қўллаб-қувватламоқда.

БИЛАСИЗМИ?

Қаерларда ҳашарлар ўтказиш тақиқланади?

Конунчиликка қўра, ҳашарлар қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда фақат ихтиёрий тарзда ташкил этилади ва ўтказилади:

— умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисида фақат Президентнинг тегишли ҳужжати ёки Ҳукумат қарори бўлганда;

— меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда;

— жамоат ишлари, шу жумладан қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳолда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур

ҳолатда сақлаш, қабристонларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш ишларида аҳолининг ихтиёрий иштирок этишини ташкил этади.

Шунингдек, қуйидаги жойларда ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқланади:

— автомобиль йўлларида;

— ҳаракатланиш тизим бўлган кўчаларда;

— сув объектлари, қирғоққўйи ҳудудлар ва зоналарда;

— қурилиш майдонларида;

— бино ва иншоотлар томларида;

— хавфли ишлаб чиқариш объектларида;

— инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда.

ТАКЛИФ

«Психолог оилавий низоларга ечим топа оладими?»



Маҳалламиз 2019 йил ноябрь ойида ташкил этилган бўлиб, шу йилдан буён мазкур йиғинда раис сифатида фаолият юритиб келмоқдамиз. Ўтган йили амалга оширилган «Обод маҳалла» дастури доирасида ҳудуд буткул янги кифа касб этди. Айни шу жараёнлар кетаётган бир пайтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалламизга ташрифи одамларимиз кўнгилни тоғдек кўтарди, бунёдкорлик ишларига ривож берди.

Комила ЖУМАШЕВА,
Нукус шаҳридаги «Чимбой гузари» маҳалласи раиси.



Маълумотларга кўра, маҳалламиз ҳудудига одамлар 2000-йиллардан ўрнаша бошлаган. Йиғин шу вақтгача оғир ҳудудлар рўйхатида эди. Чунки бу ерда ижтимоий инфратузилма деярли ривожланмаган. Электр, газ, ичимлик сув таъминотидаги қийинчиликлар ўзига яраша бўлиб, ички йўлларда, ҳатто энгил автоуловда ҳаракатланиш имконияти бўлмаган. Аҳоли, айниқса, мактаб, боғча болалари қишда лой, ёзда тупроқ кечишга мажбур эди. Ҳозирда маҳалла аҳолиси 14 мингдан ошган. Бу ерда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масаласи долзарб бўлиб борди.

Мана шундай камчиликларни қисқа фурсатда бартараф қилиш учун барча йўналишларда бир вақтнинг ўзида ҳаракатлар бошланди. Маҳалладаги электр тармоқлари янгиланди, жойларга трансформатор ва устунлар ўрнатилди, йўллар бўйлаб пиёдалар йўлакчаси қурилди. Кичкинтойлар учун болалар майдончалари барпо этилди. Ариқлар тозаланиб, дарактлар

экилди. Масъул ташкилотлар ва қурувчилар томонидан қарийб 40 километр йўллар, ички кўчаларга қум-тош аралашмаси ётқизирилиб, йўллар пиёда ва машиналар юриши учун қулай ва кўркам ҳолатга келтирилди.

Жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бойси маҳаллада иш жойи ва тиббий хизмат йўқ эди. Шу боис энгил конструкциядан тўқимачилик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда 300 нафардан ортик хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳозирда бу корхонада таъмирлаш ишлари кетяпти. Аввалроқ кучли шамол унга зарар етказганди. Томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида хонадонларга иссиқхоналар қуриб берилди.

Албатта, ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз кўп. Жумладан, аксарият йигитларимиз ишсиз, уларнинг бандлигини таъминлашда «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойилини кенг жорий этиш,

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳаракатидамиз. Бу бўйича таклифларимизни ҳокимликка, Жўқорғи Кенгесга берганмиз. Кўмак кўрсатилиши айтилган.

Йиғин фаолиятига оид таклифларга келадиган бўлсак, маҳаллага психолог керак. Тўғри, ҳозир ҳудудлардаги мактаб психологлари йиғинларга бириктирилган. Бироқ бу қанчалик самара беради? Маҳаллада бу лавозим бўлса, ҳар куни оилалардаги ҳолат ўрганиларди, таҳлил қилинарди ва ажралишлар, нотинчликларга сабаб бўлаётган омиллар аниқланиб, уларнинг ечими ишлаб чиқиларди.

Яна бир таклифим: тарбия билан боғлиқ. Маҳаллаларда «клублар» очилса керак. Масалан, маҳалламизда «Ёшлар клуби», «Хунармандлар клуби» ташкил этилган. Уларда йигит-қизлар ўзаро фикр алмашади, ҳунар ўрганишади. Худди шундай, маҳаллаларда «Аёллар клуби», «Ижодкорлар клуби» каби уюшмаларни кўпайтириш керак. Шу масалага катта эҳтиёж бор.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Собир КАРИМОВ,
Кўкдала туманидаги «Эски анҳор» маҳалласи раиси:

– Маҳалладошимиз давлат корхонасида ишлайди. Ташкилотнинг ўз ошхонаси бор. Айтишича, баъзи ходимлар танаффус пайтида тезгина тушлик қилиб, шахсий ишлари бўйича кетишади. Уларнинг айримлари тушликдан кеч қайтишгани боис директор ходимларга тушлик пайтида компания ҳудудидан чиқиб кетишни тақиқлаб қўймоқчи экан. Шундай қилса бўладими?

Тушликка чиққанда уйга борса бўладими?



Ленара ҲИҚМАТОВА,
«Норма» эксперти, юрист:

– Меҳнат кодексининг 204-моддасига кўра, ходимлар учун тушлик танаффуси расман дам олиш ва овқатланиш учун танаффус деб аталади. Бу пайтда ходимларнинг ҳаракатини чеклаш мумкин эмас.

Иш берувчи иш куни (смена) давомида ходимга дам олиш ва овқатланиш учун давомийлиги кўпи билан икки соат ва камида ўттиз дақиқа бўлган танаффус бериши керак. Ушбу чекловлардан келиб чиқиб, ҳар бир ташкилот ходимлар учун танаффуснинг давомийлиги ва соатларини белгилайди. Танаффус бериш вақти компаниянинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ёки ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. Кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги тўрт соатдан ошмаса, агар бу ички меҳнат тартиби қоидаларида ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган бўлса, танаффус берилмаса ҳам бўлади.

Дам олиш ва овқатланиш учун танаффус иш вақтига киритилмайди, шунинг учун ходимлар ундан ўз ихтиёрига кўра фойдаланишлари мумкин. Бу вақтда улар иш жойидан чиқиб кетишига йўл қўйилади. Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 204-моддасида тўғридан-тўғри: «...бу вақтда улар иш жойидан чиқиб кетиши мумкин»лиги кўрсатилган. Бунда ташкилотнинг ўз ошхонаси бор ёки йўқлиги муҳим эмас – иш берувчи ходимларга унинг ҳудудидан чиқиб кетишни тақиқлашга ҳақли эмас. Ўз навбатида, тегишинча, ички меҳнат тартиби қоидаларига бундай тақиқни киритиш мумкин эмас.

Агар ходимлар тушликдан ўз вақтида қайтмаса – бошқа гап. Мисол учун, офисда тушлик танаффуси 13:00 дан 14:00 гача. Агар ходим соат 14:00 дан кейин иш жойида бўлмаса, бу иш берувчи «хайфсан» эълон қилиши, жарима солиши ёки ишдан бўшатиши мумкин. Бу меҳнат интизомининг бузилиши саналади.

Ушбу ҳолатда айрим истиснолар ҳам мавжуд. Бу иш ёки ишлаб чиқариш шароитлари ходимларга дам олиш ва овқатланиш учун танаффус қилишга имкон бермайдиган ҳолатларга тегишли. Масалан, ишнинг бундай хусусиятлари «call-марказ» операторлари, қўриқчилар, назорат пункти ходимлари, узлуксиз ишлаб чиқариш ходимлари ва бошқаларда бўлади. Бундай ҳолда иш берувчи ходимга иш вақтида дам олиш ва овқатланиш имконини тақдим қилиши шарт. Бундай ишларнинг аниқ рўйхати, дам олиш ва овқатланиш учун тартиб ҳамда жойлар ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланиши керак.

БИЛАСИЗМИ?

Қаерларда кредитлар бўйича компенсация берилади?



Конунчиликка кўра, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан, умумий белгиланган шартлар доирасида 4 ва 5-тоифа туманларидаги кичик тадбиркорларга қуйидагилар тақдим этилиши белгиланган:

– тижорат банкларининг кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 40 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация;

– тижорат банклари кредитларининг 75 фоизигача, бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилик.



«Беш панжа бирлашса ўзади»

Маҳалла раиси бўлиб сайланганимга 8 йил бўлди. Шу вақт ичида аҳоли билан яқиндан ишлаб келяпмиз. Йиғинда жами 300 та хонадонда 1 700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг деярли 70 фоизи чорвачилик, деҳқончилик ортидан кун кўради. Чекка ҳудудда жойлашганимиз боис саноат ва ишлаб чиқариш объеклари кўп эмас.

Шавкат ЁРМАТОВ,

Оҳангарон туманидаги «Нуробод» маҳалласи раиси.

Маҳалладаги аҳоли вакилларининг кўпчилиги «Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг ҳудуддаги шахтасида ишлашади. Уларнинг ишга бориб-келиши учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ҳудуддаги аёллар туман марказида иш бошлаган ип йиғириш фабрикасига қатнашади. Шу боис маҳаллада ишсиз аҳоли вакиллари деярли йўқ. Барча ўзини ўзи банд қилиб, доимий ва кунлик ҳақ тўланадиган ишларда машғул.

Йиғинда ўтган йили 120 ўринли боғча қурилди. Бугунги кунда маҳалладаги болалар ушбу муассасага қатнашади. Қолаверса, 50 йилдан охиқ вақт давомида капитал таъмирланмаган ичимлик суви қувурлари таъмирланди. Сув етиб борманган жойларга тоза оби-ҳаёт кириб борди. Маҳалла ҳудудидаги барча ички йўллар асфальт қилинди. Бу билан одамларнинг текис ва раvon йўлларда ҳаракатланишига шароит яратилди.

Авваллари маҳалла биноси бўлмагани учун ҳудуддаги мактабнинг бир хонасида ижарада фаолият юритар эдик. Ходимлар уларга алоҳида хона йўқлиги туфайли қийналиб келарди. Қолаверса, аҳоли мурожаатларини қабул қилишда қатор ноқулайликлар туғиларди. Ҳозир

барча шароитларга эга бўлган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган маҳалла маркази куриб берилди.

Бундан ташқари, аҳоли симёғочлар, электр симларининг эскилигидан, электр токидаги узиллишлардан қийналишарди. Шу боис ҳудуддаги симёғочлар алмаштирилиб, янги электр кабеллари тортилди. Одамларнинг бир неча йиллик муаммолари ҳал бўлди. Энди қолган симёғочларни ҳам янгилашни режа қилиб турибмиз. Шунингдек, биз билан қўшни маҳаллани боғловчи йўлни янгидан таъмирлаб, асфальт қилиш ниятидамиз. Бу бўйича туман ҳокимлигига таклиф билан чиққанмиз.

Таклифларга келсак, авваллари маҳалла битта тизимда эди. Ҳозир ҳамма алоҳида бўлиб кетган. Тўғри, ҳамма битта жойда фаолият юритади, лекин ёшлар етакчиси ҳам, ҳоким ёрдамчиси ҳам, хотин-қизлар фаоли ҳам топшириқни ўз тизимларидан олишади. Маҳаллалардаги «бешлик» аввалгидек битта тизимга бирлаштирилса, йиғинлар янада ривожланган бўларди. Ходимлар ҳам битта тизимдан топшириқ олиб бажарарди. Ахир «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деб бекорга айтишмаган.

«Маҳалла ходими маҳаллада яшайдими?»

Ҳудудимизда 4 086 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўп қисми ҳудудда жойлашган ташкилот ва корхоналарда ишлашади. Шу орқали даромад топиб, оиласини моддий томонлама таъминлайди. Йиғинда 17 нафар ишсиз фуқаро мавжуд бўлиб, яқинда уларнинг бирини боғчага ошпаз лавозимига, бошқасини тарбиячи лавозимига доимий ишга жойлаштирдик.



Ҳилола РЎЗИМУРОВА, Навоий шаҳридаги «Зиёкор» маҳалласи раиси.

Маҳалладаги аёлларга имтиёзли кредит маблағлари эвазига тикув машиналари олиб берилиб, бандлиги таъминланяпти. «Ёшлар дафтари»даги йигит қизларимизга ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит ва субсидиялар тақдим этиляпти.

Бундан ташқари, жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг давлат гранти кўрик-танловида ғолиб бўлиб, йиғиндаги битта болалар майдончасини таъмирлаш ва яна учтасини янгидан қуриш учун 100 миллион сўм маблағ ютиб олдик. Шунингдек, танловнинг яна бир босқичида 40 миллион сўм маблағ эгасига айланиб, йиғин ҳудудида мўъжазгина кутубхона ташкил қилдик.

Шундай бўлса-да, бир масала бизни ўйлантириб турибди. Маҳалла ходимларининг битта жойдан тайинланмаслиги бизни қийнапти. Мисол учун, айрим ходимларимиз бошқа ҳудудлардан етиб келгунча иш вақти бошланиб кетган бўлади. Айтилган вазифалар вақтида оқламайди. Такси орқали узоқдан қатнагани боис ишга ўз вақтида етиб келолмайди. Бу тизим шаҳар шароитида ўзини оқлар, лекин қишлоқ шароитида оқламайди. Сабаби, баъзи жойларга техника боради, баъзиларига эса йўқ.

Таклифим шуки, маҳалла ходимлари лавозимга тайинланаётганда, иложи

борича, ўз ҳудудидан тайинланиши керак. Боиси хотин-қизлар билан боғлиқ муаммо бўлиб қолса, хотин-қизлар фаоли маҳаллага етиб келгунча орадан анча вақт ўтиб кўяди. Ёшлар етакчисида ҳам, ҳоким ёрдамчисида ҳам шундай ҳолат. Маҳалла ходимлари ўз ҳудудидан сайланса, йиғиндаги муаммолар тезкорлик билан ҳал қилиниб, иш самарадорлиги ошиши мумкин.

Яна бир гап: маҳалла раисларининг саводхонлик даражасини ошириш бўйича турли танловлар, семинарлар ташкил қилиш керак. Боиси айрим раислар технологияларни яхши билмаслиги, тушунмаслиги мумкин. Ўз ишининг устаси бўлиши ва АҚТни яхши билиши учун улар курсларда ўқитилса, маҳалла раислари ўз фаолиятини мукамал тарзда олиб борарди.

Шунингдек, маҳалла раисларининг ойлик маошлари бошқа маҳалла ходимлариникига қараганда кам. Тўғри, маош ҳудуддан ва аҳоли сонидан келиб чиқиб тайинланади. Бошлиқни ойлиги ходимни-кидан кам бўлгач, ходимлар уни ҳурмат қилмайди. Камига ходимларга вазифа берадиган раҳбарлари бошқа. Хар ерда, хар ишда ходимнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлансагина ишида ривожланиш ва ўсиш бўлади. Маҳалла раисларининг ойлик маошини кўтариш масаласини кўриб чиқиш керак.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Пахта етиштирувчилар ҚҚСни бўлиб-бўлиб тўлайди

Вазирлар мақамасининг 2023 йил 14 августдаги «Пахта хомашёсини етиштирувчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳамда ҳисобга олиш муддатларини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги қарорга кўра, жорий йил ҳосилидан пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан пахта хомашёси тўлиқ электрон тарозини орқали қабул қилинади;

ҚҚСни пахта хомашёси бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатида тўлаш ва ҳисобга олишга рухсат этилади;

2026 йил 1 апрелгача пахта-тўқимачилик кластерлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер хўжаликлари) ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда ҚҚСни ҳисобга олиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан пахта ҳосили учун якуний ҳисоб-китоблар ўз муддатида амалга оширилмаганда, юзага келган солиқ қарздорлигини ҚҚС тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер хўжаликлари)га 3 ой муддатга тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

Пахта-тўқимачилик кластерларига қабул қилиб олинган пахта ҳосили учун электрон ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасини қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер хўжаликлари) томонидан ҚҚС бюджетга тўлаб берилганидан сўнг ҳисобга олишга рухсат этилади.

ҚҚСни бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган дастури ишга туширилади.

2023 йил 5 сентябрда ҳудудлар ва кластерлар кесимида пахта хомашёсини йиғиб олиш билан боғлиқ маълумотлар шакллантириладиган ахборот тизими ишга туширилиб, 2023 йил 15 сентябрдан «Агроплатформа» ахборот тизимида интеграция қилинади.



МИНБАР

«Оилавий ажралишдан кечроқ хабар топяпмиз, чунки...»

Маҳалламизда 5 249 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 72 нафари ишсиз, деб эътироф этилган. Бу рақамлар 2022 йил охирида аниқланган бўлиб, бугунга келиб уларнинг 50 нафари доимий банд бўлди.

Маҳмуджон БАЙХОНОВ,

Давлатобод туманидаги «Умид» маҳалласи раиси.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ёрдам кўрсатиш, бандликни таъминлаш, ёшлар ва аёллар муаммосини ҳал қилиш, жиноятчиликни олдини олишда «бешлик» самарали ҳамкорлик қилапти.

Хар бир йўналишнинг ўз эгаси бор. Аввалги йилларга нисбатан ҳозир раисларга анча осонлашди. Узим маҳалла раиси сифатида 4 йилдан бери ишлаганим учун ўзгаришларни шахсан кузатиб, гувоҳ бўляпман.

Узоққа бормайлик, жорий йилнинг ўзида янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш йўналишида ҳоким ёрдамчиси кўмагида 5 та янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Айни вақтда битта ўқув марказининг ўзида 10 та иш ўрни яратилди. 2 та чевархонамизда эса жами 7 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

Хотин-қизлар билан ишлашда фаолимиз Махпора Аҳмаджонова ташаббускор бўлмоқда. «Аёллар дафтари»га 214 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлса, бу-

гунгача уларнинг 37 нафари ишга жойланди. Яна 2 нафари тадбиркорлик орқали даромадга эга бўлди. 12 нафарига 1 марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 7 нафарига ижара шартномаси тўлаб берилди, 6 нафари даволанишга бепул йўлланма олди. Бир нафар аёлга эса субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди.

Ёшлар муаммолари билан ишлаш, уларга зарур кўмак беришда етакчимиз Умархон Иззатиллаев жонбозлик кўрсатмоқда. Жорий йилда «Ёшлар дафтари»га 12 нафар йигит-қиз рўйхатга олинган. Уларнинг 2 нафарига ҳарбий сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат учун тўлов пули ўтказиб берилди. Яна 2 нафарига ҳайдовчилик гувоҳномаси учун маблағ ажратилди. 3 нафари доимий ишга жойланди. 8 нафарини олий ўқув юртига контракт суммаси ўтказилди. Қолганига ҳам қонун доирасида кўмаклашилди.

Маҳалламизда ўзига хос бир ташаббусни бошлаганимиз. Сектор раҳбари кўмагида кўнгилли ёшлардан иборат

«Қалқон» гуруҳи ташкил этганмиз. Улар профилактика инспектори билан бирга туну кун навбатчилик қилишади. Худуддаги тинчликни таъминлашда ёрдамлари катта бўлмоқда.

Шу ўринда худудимизга хос бир муаммо ва унинг ечими бўйича таклиф билдирмоқчиман. Яъни бизнинг маҳаллада, асосан, кўп қаватли уйлар жойлашган. Келиб-кетувчи, вақтинча яшовчилар ҳисобига оилавий ажралишлар, жиноятчилик статистикасида салбий ўсишлар кузатилмоқда. Айниқса, янги турмуш қураётганлар ва ажрашганлар ҳақида «ғишт қолипдан кўчган»да хабар топяпмиз. Сабаби, ҳозирда бу аризалар бизга онлайн кўринмайди. Ачинарлиси, оилалар ажрашгандан сўнг хабардор бўлсак-да, бунинг учун маҳалла жавобгар. Шу сабаб аризалар қабул қилинган, ўша фуқаро яшайдиган маҳалла раиси ва йўналиш бўйича мутахассисга ҳам кўринадиган қилиш керак. Яъни ҳужжатлар алмашинувини уйғунлаштириш лозим.

МУЛОҲОЗА

«Ер бўлса, бинони ҳашар билан қурадик...»

Шароф Рашидов туманидаги «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғинимиз энг аҳил ва ташаббускор маҳалла ҳисобланади. Бизда тадбиркорлик, хунармандчилик, томорқадан самарали фойдаланиш борасида ибратга молик ютуқларга эришиляпти. Бунга ҳамоҳанг тарзда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ошиб бораётгани янада қувонарли.

Асрор АНОРБОЕВ, Шароф Рашидов туманидаги «Файзиобод» маҳалласи раиси.



Айниқса, ободлик, хонадонларнинг саришталиги киши ҳавасини келтиради. Аслида, иш бошлаганимга кўп бўлмади. Шу қисқа фурсатда, асосан, одамлар ижтимоий аҳволи билан яқиндан танишдим. Айни кунда «Файзиобод» маҳалласида 4 248 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Худудда тикувчилик, хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган.

Маҳаллага 9700 метр масофада ичимлик сув тармоғи ториб келинди. Жами 21 та кўча бўлиб, асосий муаммо — шу кўчаларни асфальтлашдан иборат. Бу йил «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида 1,2 км. йўлни асфальтлаш таклифимиз ғолиб чиқди. Натижада Навбахор кўчаси асфальтланади. Эндиликда табиий газ тармоғи тортиш ишларини бошладик.

Маҳалла аҳолисининг аксарияти иш билан таъминланган. Атига 32 нафар ишсизлар бор, холос. Ҳоким ёрдамчиси кўмагида худуддаги 41 нафар эҳтиёжманд, кам даромадли оила вакилларига имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди. Хатлов жараёнида «Аёллар дафтари»га 113 нафар хотин-қиз, «Ёшлар дафтари»га 4 нафар ёшлар киритилган. Худудимизда 1 та мактаб, 3 та боғча, 1 та қишлоқ врачлик пункти, 7 та савдо дўкони, 1 та ти-

кувчилик цехи, 1 та сартарошхона бўлиб, уларда 50 нафардан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланган. Маҳалла кутубхонаси, спорт майдончаси доимо гавжум.

Ижтимоий дафтарда турувчи фуқаролар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 488 нафар кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 2 нафарига субсидия асосида тикув машиналари берилди. Юқорида алоҳида таъкидлаб ўтганимдек, маҳалла аҳли «Ташаббусли бюджет» жараёнида ҳамжиҳатлик кўрсатиб, ғолиб бўлди. Натижада маҳалланинг ички йўллари асфальт қилинди. Ичимлик сув ва электр таъминоти яхшиланди.

Лекин эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмоқчи эмасмиз. Аҳолининг турмуш даражасини янада фаровон қилиш ҳаракатидамиз.

Ш ўринда маҳалладаги катта муаммо ички ва асосий йўллارни асфальтлашдан иборатлигини қайд этиб ўтмоқчиман. Бундан ташқари, бизга алоҳида бино учун ер ажратиб берилса, ўзимиз ҳашар йўли билан қуриб олардик. Ҳозир эски масжид биносида вақтинча ишлаяпмиз.



ТАКЛИФ

«Ажрашаман» деганга жарима қўлланилса...»



Маҳалламизда 511 та хонадон, 1 243 та оила, 2 810 нафар аҳоли яшайди. Шаҳар марказида жойлашганимиз боис асосий «драйвер»имиз — тадбиркорлик, мебелчилик, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобланади. Айнан шу йўналишларда аксарият фуқароларнинг бандлиги таъминланган. «Аёллар дафтари»га 79 нафар хотин-қиз, «Ёшлар дафтари»га 7 нафар йигит-қиз, «Темир дафтар»га 5 та оила киритилган. Уларнинг ҳар бири билан индивидуал иш олиб борилиб, керакли ёрдам берилляпти.

Мурат МАТКАРИМОВ,
Тўртқўл туманидаги «Тошкент» маҳалласи раиси.

Худуд ободлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Зеро, маҳалла ободлиги — йиғин ходимлари фаолиятига тугилган кўзгу саналади. 12 та кўча бор, 10 тасига тўлиқ ичимлик сув қувурлари тортилган, хонадонларга оби-ҳаёт кириб борган. Қолган иккита кўчада ҳозирда ишлар давом этяпти. Электр тармоғидаги кучланишлар ҳисобга олиниб, 460 та оилага мўлжалланган янги трансформатор ўрнатдик. Қолаверса, 76 та эски симёғочларнинг 35 таси алмашди, қолганини 4-чорақда алмаштириш кўзда тутилган. Ички кўчаларнинг 4 таси асфальт, 8 таси бетон қопламаси учун тайёрлаб қўйилди. Яқин кунларда уларда ишлар якунига етказилади.

Маҳалла ишидаги тажрибалардан келиб чиқиб, қатор тақлифларимни билдирмоқчиман. Фикримча, бугун ҳар бир маҳалла «боқимандалликка чек қўйиш» масаласини дастуруламал қилиб олмоғи зарур. Бунинг учун йиғинлар ўз ички имкониятидан, халқнинг турмуш шароитидан келиб чиқиб режа тузмоғи, тартиб билан иш қилмоғи керак. Масалан, ўзим раислик қилётган маҳаллада ишсизлар (демак, даромад топмайдиган), аммо ишга яроқли фуқаролар мавжуд. Уларни давлат ҳисобидан нафақа билан таъминлаш осон эмаслигини ҳаммамиз биламиз. Шундоқ ҳам битта маҳалла ҳар ойда, узлуксиз давлат ғазнасидадан ўртача 60-70 миллион сўм миқдоридан нафақа олмақда.

Туманимиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашгани туфайли мазкур қатламдаги фуқароларни ишчи қурулларга уюштириб, дала ишларига жалб қилиш яхши самара беради. Бунинг учун ишчи кучи кам бўлган чўл зоналарида шароит яратиш ва иш қуроллари билан таъминлаш лозим. Биз буни йўлга қўйдик. Маҳалламиздаги ишсиз фуқароларни қўшни йиғинлардаги кластер ва фермерлар билан келишган ҳолда, ишга жалб қилляпмиз. Ҳозир қишлоқ хўжалигида қўл кучи жуда зарур. Мисол учун, кунига бир киши 100-150 минг сўм иш ҳақи олиб, пахта турли бегона ўтлардан тозаламоқда. Бундай фуқароларни уюштириб, қозон-ўчоғи, кетмон-ўроғи, самовар-палоси, бир кунга етарли озиқ-овқати, умуман, зарур буюмларнинг барчасини ташкил қилганмиз.

Тасаввур қилинг, бир киши эрталаб эшиги


олдига келган текин автобусга чиқиб, махсус билим талаб қилмайдиган ишни бажариб, ҳалол меҳнати ортидан уйига нақд 100-150 минг сўм пул олиб қайтса ёмонми? Бу имконият 40 кишига 30 кун давомида яратиб берилса-чи? Бу 6 ой давом этса-чи? Ҳар бир оилага ойига 2,5-3 миллион сўм нақд даромад киради, маҳалладаги нафақага муҳтож оилалар сони сезиларли даражада камаяди. Буни барча маҳаллаларда жорий этишни тақлиф этаман. Тажрибамиз билан бўлишига тайёремиз.

Яна бир масала — маҳалламиз 1964 йилда ташкил топган. Ҳозир шу йилда туғилган киши фарзандли, неваралари бўлишга ҳам улгурди. Бироқ қарийб 60 йилдан бери маҳалламиз мустақил ўз биносига эга эмас. Ҳозирда Тўртқўл педагогика коллежи ётоқхонасининг 5 та хонасида фаолият юритяпмиз. Ишонсангиз, маҳалладаги «бешлик» иккита хонада ишлаган вақтимиз ҳам бўлди. Демакки, бинога эҳтиёж бор. Бунинг учун еримиз ҳам, давлат-хусусий-шериклик асосида бино қуриб бермоқчи бўлган салоҳиятли тадбиркоримиз ҳам бор. Ҳокимлик озгина моддий кўмак кўрсатса, ўз биномизга эга бўлардик. Тақлифларимизни ҳокимликка етказганимиз, натижасини кутяпмиз.

Бизни қийнаётган энг оғриқли масала — ажралишлар билан боғлиқ. Бугун ёшгина оилалар арзимас сабаблар туфайли ажрашиб кетяпти. Ота-оналарга ҳам ҳайронмиз, ҳали оқ-қорани тўла англаб етмаган болаларини ажраштириб олади. Маҳалла қанча тушунтирмасин, оғохлантирмасин, ғишт қолипдан кўчгач, фойдаси бўлмаяпти. Қизиқ-да, авваллари битта хонадонда 8-9 та оила ота-онаси билан бирга яшашарди, ҳеч қандай жанжал, тортишув бўлмасди. Ажралишлар ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади, буни номус деб билардик. Бугунги ёшларнинг қизиққонлигига қараб, ажралиш учун товон пули миқдорини каттароқ белгилаш вақти келдимикан, деб ўйлаб қоламан. Ёшларни, энг ёмони, уларнинг ота-оналарини бошқа гап билан кўндириб ҳам, қўрқитиб ҳам бўлмаяпти. Энг яхши ечим — жарима! Шундагина ёшларнинг арзимас сабаб билан ажрашиб кетишини қисқартирган бўлармикан...

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Абдуҳаким БЕРДИЕВ, Тойлоқ туманидаги «Истиқлол» маҳалласи раиси.



— Маҳалламизда мавсумий ишларда банд бўлган аҳоли вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Айрим ҳолларда улар пенсия ёшига етиб, маҳаллага пенсияга қандай чиқиши, иш стажи қандай ҳисобланиши бўйича мурожаат қилишади. Айтингчи, мавсумий ишларда банд бўлганлар пенсияга чиқаётганда иш стажи ва ўртача иш ҳақи қандай ҳисобланади?

Мавсумий ишчига пенсия қандай ҳисобланади?



Зафаржон ХЎЖАЕВ,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос.

— Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи умумий қоидаларга мувофиқ кучга киради. Яъни эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда, пенсияга чиқиши мумкин.

Пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаганларга ёшга доир пенсия бор стажга мутаносиб миқдорда, камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда тайинланади. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охиригى ўн йили давомидаги ишталган кетма-кет беш мавсумдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақининг умумий миқдори олтимишга бўлинади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимлар учун иш стажини

ҳисоблаш учун имтиёз назарда тутилган. Яъни тўлиқ мавсум давомидаги иш 1 йиллик иш учун, тўлиқ бўлмаган мавсумда эса ҳақиқий давомийликка қараб ҳисобга олинади. Бунда иш стажи бўйича имтиёз Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган мавсумий ишлар рўйхатига мувофиқ тақдим қилинади.

Юқоридаги тоифадаги ходимларга тўлиқ мавсум давомида иш йили сифатида пенсия тайинлаш учун стажга ҳисобланадиган иш турлари рўйхатига пахта тозалаш саноти корхоналаридаги иш, қуриштиш ва тозалаш цехини тозалаш ва иситиш, ишлаб чиқариш чикиндиларини йўқ қилиш, шакар ва консерва саноти тармоқларида ишлаш, ипак саноти корхоналари ва фермер хўжаликларидеги ишларни киритиш мумкин. Мисол учун, ишчи 7 мавсум давомида пахта хомашёсини тозалашда банд эди. Унга пенсия ҳисоблаб чиқаришда бу вақт иш стажида 7 йил сифатида ҳисобга олинади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

«Темир дафтар»дагиларга қандай тиббий хизмат кўрсатилади?

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- тиббий ёрдамга муҳтож оилалар бошқарув офиси томонидан тегишли тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганилади;
- ўрганиш натижаси бўйича қасаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника-сига юборилади;

- тиббий кўрик натижаси юзасидан кўрсатма бўйича оила аъзолари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатория шароитда даволанади;
- ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белги-ланган тартибда кўриқдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.



Маҳалламиз географик жиҳатдан катта ҳудудни эгаллаган. Аҳоли сони ҳам шунга яраша бўлиб, 5 230 нафар фуқаро истиқомат қилади. Айтиш керакки, муаммолар босқичма-босқич ҳал бўлиб борапти. Маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисмидан ажратилган маблағ ҳисобига кўчаларнинг 4 км. қисми шағалланди. Электр энергиясидаги узиллишларга сабаб бўлаётган эски трансформатор ўрнига 100 кв.лик янгиси қўйилди.

Рустам ТУРСУНОВ,
Жарқўрғон туманидаги
«Эски қишлоқ» маҳалласи раиси.



«Раисларга субсидияга транспорт ажратилса...»

Хабарингиз бор, маҳаллалар молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида «Маҳалла бюджети» тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2023 йил 1 январдан маҳаллаларнинг мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қоладиган бўлди. «Маҳалла бюджети» тизими орқали ишловчи бу лойиҳанинг дастлабки босқичда танлаб олинган 14 та (солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган) туман орасида Жарқўрғон тумани бор.

Ўтган даврда ҳуқуқий эксперимент маҳалламизда муваффақиятли олиб

борилди. Шу кунгача йиғилган маблағнинг тахминан 100 миллион сўмдан зиёди маҳалламизнинг ўзида қолиши кутиляпти. Агар шу пуллар берилса, кўчамиздаги эскирган таянч симёғочларни бетон устунларга алмаштиришни режа қиляпмиз. Бундан ташқари, ишимизга яқиндан ёрдам бераётган нуронийларни шу маблағлар ҳисобидан рағбатлантирамиз. Чунки ҳар қандай меҳнат муносиб рағбатлантирилиши керак.

Юқоридаги солиқ йиғимлари ундириш жараёнида яна бир таклиф пайдо бўлди. Яъни юридик шахслар солиқларни вақтида ўзлари бориб тўлашяпти. Аммо фуқаролардан мол-мулк ва ер солиғи ундириш жуда азоб бўляпти. Бир кунда аранг 2 миллион атрофида тўлов йиғил-

моқда. Ҳатто қўлида пули бўла туриб, тайинли иши, даромади борлар ҳам беришни хоҳламайди. Шу боис солиқларни вақтида тўламаганлик учун чораларни кучайтириш керак, назаримда.

Бундан ташқари, маҳалла раислари учун ҳеч бўлмаса, субсидия ҳисобидан транспорт воситаси олиш имконини яратиш лозим. Чунки юклатилган вази-фаларни бажаришда техника воситасига эҳтиёж пайдо бўляпти. Масалан, яқинда ҳар бир маҳаллага 3 қутидан пилла қурти парваришlash вази-фаси юкланди. Пилла қуртини фуқароларимизга бердик, аммо барча харажатлари зиммамизда қолди. Тўт барглари етказиб келишда ўз ҳисобимиздан маблағ сарфладик.

БИЛАСИЗМИ?

Савдо объектидаги тарозиларга қандай талаблар бор?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 75-сонли қарорига кўра, тарозилар ва бошқа ўлчаш воситалари сотувчи-ҳодимларнинг иш жойларида харидорлар товарни тортиш ва беришнинг бутун жараёнини кўрадиган қилиб ўрнатилиши керак.

Тарозиларни пештахтанинг фасадига томон бурчак остида ўрнатиш, уларнинг олдини товарлар, дарпардалар, инвентарь ва бошқа нарсалар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

Тарозилар ҳар хил тебранишлар ва зириллашларга учрамайдиган мус-

таҳкам, барқарор горизонталь жойга ўрнатилади.

Савдо залларида харидорларга қулай жойда назорат тарозилари ва бошқа ўлчаш воситалари ўрнатилган бўлиши керак.

«Самосуд» учун қандай жазо мавжуд?

Ўзбошимчилик – «ўзича судлаш» (самосуд) фуқароларга БХМнинг учдан бир қисмидан 1 бараваригача (300 минг сўмгача), мансабдор шахсларга эса 1 бараваридан 3 бараваригача (900 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шу ҳаракатлар кўп миқдорда зарар (БХМнинг 300-500 бараваригача) ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, мазкур қилмиш жиноят ҳисобланиб, БХМнинг 50 бараваригача (15 млн сўмгача) жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари

билан жазоланади.

Бундан ташқари, ушбу қилмишни содир этган шахс самосуд оқибатида вужудга келадиган жиноятлар (тан жароҳати етказиш, ўзини ўлдириш даражасига етказиш, қасддан одам ўлдириш ва ҳ.к.)нинг ҳар бири учун алоҳида жавобгарликка тортилади.



Шаҳобиддин УМРЗОҚОВ,
Кўшробот туманидаги
«Тоз» маҳалласи раиси:

– Маҳалламизда 3 нафар аёл болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаб келмоқда. Қонунчиликда улар пенсияга бошқалардан эрта чиқиши мумкинми? Агар шундай имтиёз бор бўлса, бу аёллар ариза билан мурожаат қилиши керакми ёки тўғридан-тўғри имтиёзли пенсияга чиқади?

Оналар пенсияга имтиёзли чиқади, агар...



Сухробжон РАҲМОНОВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги Пенсия жамғармаси
ҳодими:

– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси давлат пенсия таъминотини ташкил этишда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун ва пенсия таъминоти оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш олиб боради.

Юқоридаги қонуннинг 2-моддасига асосан, давлат пенсиялари ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик турларига бўлинади.

Қонуннинг 7-моддасига биноан, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажы 20 йил бўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. 12-моддасига кўра, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи ҳам мавжуд. Унга кўра, охириги иш жойидан қатъи назар, бир қатор тоифадаги фуқаролар ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Жумладан, қонуннинг 12-моддаси «з»-бандига мувофиқ, болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда 50 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин.

Демак, болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларни камида 8 йил тарбиялаган оналар пенсияга бошқалардан 5 йил олдин чиқиши мумкин. Фақат 50 ёшга тўлгунча қадар камида 20 йиллик меҳнат стажы бўлиши керак. Энг муҳими, бу тоифага тўғри келадиган фуқаролар имтиёзли ҳуқуқи пайдо бўлган кундан Пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Шундан сўнг ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.



САРҲИСОБ

МУЛОҲАЗА

«Гузар йўқлигини масъулларга билдирдик»

Тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган маҳалламиз катта ўзгаришлар натижасида кўркем қиёфа касб этиб борапти. Бу ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, гувоҳ бўлишган аҳолининг эртанги кунга ишончи тобора ортаётир.



Раҳимберди КАРИМОВ,
Бахмал туманидаги «Давлат» маҳалласи раиси.

2023 йилда электр энергиясидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида кўчаларга 1 450 та таянч устунлар ўрнатилди. 22 км. узунликда тоза ичимлик сув тармоғи тортилди, 5 та сув минораси ишга тушди. Бу ишлар Жаҳон банки ва Осие инфратузилмавий инвестициялар банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан молиялаштирилган «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси асосида амалга оширилди.

Тумандаги 9 та маҳалланинг ичиди бизнинг аҳоли учун ҳам муносиб шароитлари яратилди. Лойиҳа доирасида шу 9 та маҳаллага 7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ишлар якунигача маҳалламизда ичимлик сув таъминоти, симёғочлар эскилиги катта муаммо бўларди. Шу боис туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилгандик. Бундан ташқари, худудимизда маҳаллий маблағ ҳисобига 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилмоқда.

Ўз навбатида маҳалламизда энг долзарб бўлиб турган ишсизлик муаммоси босқичма-босқич ҳал этиляпти. Масалан, 2022 йил охиридаги хатловда 200 нафардан ортиқ ишсизлар рўйхатга олинган бўлса, бугунга келиб улар 55 нафар қолди. Ишсизлар бандлигини таъминлашда асосан, ички имкониятларни ишга солидик. Жумладан, 180 нафар талабгорга 50 йил фойдаланиш шarti билан 1 гектардан ер бердик. Яна 40 нафар ишсизларга ҳоким ёрдамчиси кўмагида мотокультиватор тақдим қилинди. Имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига ҳам бўш юрган фуқаролар доимий даромадга эга бўлди. Тадбиркорликка қизиққан 10 нафар аҳоли вакили хусусий бизнесини йўлга қўйди.

Барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Режаларимизни тақлиф сифатида мутасаддиларга етказяпмиз. Айни кунларда маҳаллий маблағ ҳисобига 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти киритдик.

«Яқингача қолақ ҳудуд ҳисобланардик...»

Маҳалламизда 620 та хонадонда 3 080 нафар аҳоли истиқомат қилади. Яқингача тумандаги тулроқ иқлим шароити, оқар сув таъминоти энг оғир, инфратузилмаси ривожланмаган қолақ ҳудуд ҳисобланардик. Ислохотлар энг четдаги қишлоқлардан бошланишига маҳалламиз мисолида гувоҳ бўлдик.

Жумабой РАХМОНҚУЛОВ,

Боёвут туманидаги «Навбахор» маҳалласи раиси.

Ўтган уч йил ичиди 3,5 км. ички йўлларимиз асфальтланди, 21 км.га шағал ётқизилди. Электр тармоқлари, трансформаторлар янгиланди, юқори тезликдаги интернет алоқаси тортиб келинди. 5 та қишлоқда 5 та ичимлик сув қудуқлари қазилиб, тоза ичимлик сув билан таъминланди. 200 ўринли янги боғча қурилди. Маҳалла худудидаги мактаб капитал таъмирланди.

Иш ўринлари яратиш, бунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш йўналишида ҳам эътирофли натижаларга эришдик. Жумладан, 214 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 195 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 2 млрд. 650 млн. сўм имтиёзли кредит, субсидия, таълим кредити, касбга ўқитиш ва кооперация асосида чорва моллари боқиш учун ажратилди. Хом ғишт ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаши баробарида 80 та янги иш ўрни яратилди. Сода, совун ва атир ишлаб чиқариш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди. Спорт майдончаси, мини стадион қурилиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда туман марказида ишга туширилган «Боёвут

Техно Кластер», «Стелла Мода» ип-йигирув фабрикасида юзга яқин хотин-қизларимиз меҳнат қилмоқда.

Маҳалламизнинг «ўсиш нуқтаси» деҳқончилик бўлгани сабабли «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида 150 гектарга сабзавот, 900 гектарга мош экилди. Томорқачилиқдан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Жами 97 гектар томорқа ерлари мавжуд бўлиб, бир йилда 2-3 марта ҳосил олинмоқда. Хонадонларда иссиқхоналар ташкил қилинган. 14 та кўчамизга жами 6 км.дан ортиқ ерга лента асосида ялпиз ва райхон экилган. Бундан ташқари, 177 гектар экин ер майдонлари ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун деҳқон хўжаликлари ташкил этиш мақсадида ажратилган. Бугунги кунда етиштирилган маҳсулотларнинг истеъмолдан ортгани маҳаллий бозор ва экспортга чиқарилмоқда.

Худудимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. «Яшил макон» умуммиллий дастури бўйича 20 мингдан ортиқ манзарали дарахт ва қаламчалар экилган.

Маҳалламиздаги ҳар бир фуқаронинг фаоллигини ошириб, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси-

да ички йўлларни асфальтлаштириш учун 1 млрд. 250 млн. сўм маблағ ютиб олдик. 32 нафар хотин-қиз тикувчилик, гилам тўқиш, касаначилик йўналишида бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, мономарказларда хунар ўрганишди. 112 нафар аёл «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, 65 нафари тўлиқ иш билан таъминланди. Уларга жами 32 миллион сўм моддий ёрдам берилди. 12 нафарига тикув машинаси тақдим этилди. 11 нафар аёл чорвачилик йўналишида иш бошлаган бўлса, 9 нафарига ер ажратилди, 7 нафари яқка тартибдаги тадбиркорликни йўлга қўйди. Уларга 98 миллион сўм кредит олишга кўмаклашилди. Бундан 5 йил олдин олий ўқув юртида ўқиётганлар 8 нафар бўлса, бугун уларнинг сони 122 нафарга етди.

Гувоҳ бўлганингиздек, маҳаллада кўп ижобий ўзгаришларга кўл урилди. Аммо 4 донна она зовурнинг олди тўсилиб, балиқчиликка ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилди. Бу эса зах сувларни қақаришга сабаб бўлмоқда. Муаммо юзасидан мутасаддиларга мурожаат қилганман. Хозирча жимлик. Умид қиламизки, аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган масала тез кунларда ечимини топади.

БИЛАСИЗМИ?

Агар маҳсулот нуқсонли бўлса...

Нуқсонли товар сотилганда истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:



- товарни айна шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;
- товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки нуқсонларни бартараф этишга қилинган харажатларни қоплаш;
- харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;
- шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Қачон даромадларга солиқ солинмайди?



Конунчиликка кўра, солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадларга солиқ солинмайди.

Бундан қуйидагиларни сотишдан олинган даромадлар мустасно: – қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларини (пайларини);

- нотулар жойларни;
- 36 календарь ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулкида бўлган турар жойларни.

ТАЖРИБА



«Тўй-маросимлар ўтса, биз хабарсиз қолмаймиз»



Маҳалламиз қишлоқ ҳудудида жойлашган. Дехқончилик, чорвачилик — асосий «драйвер»имиз. Кўпчилик аҳоли айнан шу йўналишларда банд. Қолаверса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик соҳалари ҳам ривожланганки, бу фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Шахриёр ХОЛМУРОДОВ,
Китоб туманидаги «Зарафшон» маҳалласи раиси.

Йиғинимизда 4 346 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламиз иккита — Файзобод қишлоғи ва Янгиобод шаҳарчасидан ташкил топган. 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида маҳалламиз қиёфаси буткул ўзгарди. Бу каби бунёдкорлик ишлари жорий йилнинг ўтган даврида ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, шаҳарчамиздаги 74-умумтаълим мактабига қўшимча икки қаватли янги бино қуриб берилди. Қолган бинолар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Шу билан бирга, 2-сектор раҳбари бошчилигида Файзободнинг 5 км.дан зиёд, шаҳарчанинг 1 км.дан ортиқ тупроқ йўллари шағаллаштирилди. Эски, нураш арафасига келиб қолган 30 та симёғоч темир-бетонлисига алмаштирилди. Шаҳарчадаги барча хонадонларга ичимлик сув етиб борган. Қишлоғимизнинг катта йўл ёқасига ҳашар йўли билан 1 км. сув қувури ётқизилди. Яна шунча масаофага тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Шу билан бирга, ҳашар асосида ҳудуддаги қабристон ободонлаштирилиб, ички йўллари бетонлаштирилди.

Ижтимоий ҳимоя, бандлик масалалари доимий эътиборимизда. Маҳалладаги «бешлик» ҳар бир хонадоннинг аҳолидан хабардоримиз. Биргина «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан олиб борилган ишларни оладиган бўлсак, яқинда уларнинг 20 нафарига 660 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатдик. Айримлари ўрмон хўжалигида иш билан таъминланди. Қолганларига кредит ва субсидия олишида кўмаклашиляпти. Ҳудудимизда иккита ишлаб чиқариш объекти бор — тошни қайта ишлаш заводида 10-12 нафар, сутни қайта ишлаш корхонасида 15 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. Қолаверса, 20 нафар ишсиз фуқарога 1 гектардан боғдорчилик учун ер ажратилди.

Ҳали олдимизда турган вазифалар, режалар кўп. «Ташаббусли бюджет»нинг иккинчи мавсумига йўл масаласини киритдик. Овоз бериш

натижаларига кўра, ғолиб бўлсак, ҳудудимизда бирорта тупроқ йўллар қолмайди, барчаси шағаллаштирилади.

Ўзимизга хос тажрибаларимиз ҳам бор. Масалан, кўпчиликдан эшитиб қоламиз, маҳалла ходимлари солиқ йиғишга, коммунал тўловлар қарзларини ундиришга жалб қилинган, дейишади. Қонунчиликда бу ишларга кўмаклашиш белгиланган, бироқ битта шарт билан — шартнома асосида. Марҳамат, маҳаллалар бу ишларда кўмак беради, аммо сиз ҳам бунинг учун тўлов қилинг. Бизда эса бошқа тажриба бор. Маҳалланинг ўзида солиқ инспектори фаолият юритади. Натияжада бизнинг бу масалалар билан шуғулланишимизга ҳожат қолмаган. Бошқа маҳаллаларда ҳам шу тарзда иш ташкил этишни таклиф этамиз.

Тўй-маросимларни ўтказиш бўйича тартибли иш йўлга қўйилган. Файзобод қишлоғи ва Янгиобод шаҳарчасида иккита ёрдамчим — оқсоқолларим бор. Улар ҳудудлардаги барча жараёнларни тартибга солиб туришади. Масалан, кимдир тўй қилмоқчимиз, биринчи навбатда, айнан уларга учрашади. Тўй кунини хонадон эгалари билан биргаликда бамаслаҳат белгилаймиз. Ортиқча дабдаба, кимўзарлик, кераксиз одатларга йўл қўймаймиз. Қолаверса, ёшларнинг тўйдан олдин расмий никоҳдан ўтиши, никоҳ гувоҳномасини олишига жиддий эътибор қаратамиз. Уларсиз тўйни ўтказишга рухсат бермаймиз. Ўз навбатида бу ҳужжатнинг борлиги имом-домланинг шаръий никоҳ ўқишига шароит яратади. Бу тажрибани ҳам оммалаштириб, бошқа маҳаллаларда татбиқ этишда ўз тажрибамиз билан бўлишишга тайёремиз.

Умуман олганда, маҳалла иши ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. Ҳамжиҳатлик, бирдамлик билан барча режаларимизни амалга оширяпмиз. Одамларимиз ҳам бу ишларда бизга камарбаста, доимо қўллаб-қувватлаб туради.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Икром АЛЛАМОВ,
Урганч шаҳридаги «Ашхобод» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимиз ишхонасидан меҳнат таътилига чиққан экан. Бироқ таътил даврида унинг 10 ёшли боласи касал бўлиб қолди, шу боис унга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилди. Фуқаромиз уни ишхонасига тақдим қилиб, меҳнат таътилини узайтироқчи. Шундай қилса бўладими? Агар ходимнинг ўзи эмас, боласи касал бўлган бўлса, иш берувчи таътилни узайтириши мумкинми?

Болангиз бемор бўлса, таътилни узайтиринг!



Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, Меҳнат кодексининг 229-моддасига кўра, ходимлар қуйидаги ҳолларда меҳнат таътилини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга:

- *вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;*
- *ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати бошланганда;*
- *ҳар йилги меҳнат таътили ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;*
- *давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариётганда, агар қонунчиликда бундай мажбуриятларни бажариш учун ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса;*
- *жамоа келишувларида ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда.*

Агар ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланишга монелик қилувчи сабаблар таътил бошлангунига қадар келиб чиққан бўлса, таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига кўра таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Меҳнат кодексининг юқоридаги моддасида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси касал болани парваришlash учун расмийлаштирилса, ходимнинг таътили узайтирилиши масаласига аниқлик киритилмаган. Аммо кодекснинг 281-моддасига мувофиқ, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси нафақат хо-

димнинг ўзи касал бўлган тақдирда, балки касал оила аъзосини парваришlash қилишда ҳам тўланади. Касаллик варақаси бошқа нарсалар қатори, оиланинг бетоб аъзосини парваришlash зарурлигини ҳам тасдиқлайди. У умумий асосларда — қаровчи меҳнат таътилидами-йўқми, бундан қатъи назар берилди.

Агар боланинг касаллиги ходимнинг меҳнат таътили даврида содир бўлса, бу таътилдан мақсадга мувофиқ фойдаланишга имкон бермайди: ахир ходим дам олишга эмас, балки бетоб болага ғамхўрлик қилишга мажбур бўлади. Шу боис юқоридаги ҳолатда иш берувчи ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаши, шунингдек, таътилни узайтириши ёки таътилни тегишли кунлар сонига узайтириши ёки ходим билан келишувга кўра, таътилнинг фойдаланилмай қолган қисмини бошқа муддатга кўчириши керак.

Бетоб болани парваришlash бўйича «касаллик варақаси» тақдим этилганда, таътил қанча муддатга узайтирилади? Таътил вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган ходимнинг таътил даврига тўғри келадиган бетоб болани парваришlash учун ўн тўрт календарь кунидан ошмаган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилди.

НИГОХ



Дилшодбек СОТВОЛДИЕВ,
Марҳамат туманидаги
«Шомат» маҳалласи раиси:

— Айрим ҳолларда маҳаллаларнинг тарихига оид янги маълумотлар чиқиб қолиши ёки йиғинларнинг бугунги ҳаёти, одамларнинг доимий машғулотларидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини номини ўзгартиришга тўғри келиб қолади. Бундай пайтда нима қилиш керак? Номни ўзгартириш қандай тартибда амалга оширилади?

«Маҳалламиз номини қандай ўзгартирамиз?»

Элмурод ҚАРШИЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Географик объектларга, жумладан, маҳаллаларга ном бериш 2022 йил 2 ноябрда Президент томонидан имзоланган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида амалга оширилади.

Қонунга кўра, географик объектларга нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини беришга йўл қўйилди. Бунда бундай шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Президентнинг қарорига асосан ҳамда, қоида тарихида, номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нисбатан амалга оширилади. Қонунда таниқли шахслар номини белгилаш, жумладан, экспертиза ўтказиш, мувофиқлаштириш, маҳаллий аҳолининг фикрларини ҳисобга олиш ва тасдиқлаш тартиби батафсил баён этилган. Ушбу тартиб шу вақтга қадар

қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, мамлакатда жаҳон тарихи, маданияти, адабиёти, илм-фани ва жамият ҳаётига улкан ҳисса қўшган буюк шахслар номи билан аталган объектлар бор эди (хусусан, Александр Пушкин, Лев Толстой, Шота Руставели, Жавоҳирлар Неру, Юрий Гагарин ва бошқалар).

Қонун, шунингдек, туманлари бўлган шаҳар ичидаги бир нечта бир хил географик объектларга бир хил ном беришни чеклайди. Бу битта шаҳарда бир хил номларнинг мавжудлигини истисно қилади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш жараёнида маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади. Таклифлар келиб тушганидан кейин муҳокама қилиш учун уларни 5 иш кунини тегишли органлар ўзларининг расмий нашрларида, расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Шунингдек, таклифлар муҳо-

камаси улар эълон қилинган санадан эътиборан 15 кундан кам бўлмаслиги керак.

Маҳаллий аҳоли ўз фикрини яқка тартибда ёки биргаликда оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда билдириши мумкин.

Ҳокимият органлари маҳаллий аҳолидан келиб тушган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш бўйича тегишли комиссияга тақдим этади, улар ҳулоса тайёрлашда ҳисобга олинади. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларни қайта номлаш ваколатлари халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига берилади, тегишли ҳокимлар томонидан таклифлар киритилади. Туманлари бор шаҳарларда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши шундай ваколатларга эга (таклифлар шаҳар туманлари ҳокимлари томонидан берилади).

МАЪЛУМОТ

Уй-жойларнинг 70 фоизи сейсмик барқарор эмас

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфига нисбатан миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан 2023-2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Унда зилзила, ер ва тош кўчиши, кучли шамоллар, қор кўчиши, қурғоқчилик, сел ва сув тошқини, табиий ёнғинлар, табиий ҳодисалар билан боғлиқ техноген хавфларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳужжатда қайд этилишича, сўнгги йилларда иқлим ўзгариши оқибатида

республика ҳудудидида табиий офатлар сони сезиларли ошди. Табиий офатларнинг ўртача сони 2001-2010 йилларда 115 та, 2011-2022 йилларда 126 та ҳолатни ташкил этган. Уларнинг 46 фоизи зилзилалар, 27 фоизи селлар, 13,5 фоиз ер кўчкилари, 8,7 фоизи кучли шамоллар, 2,4 фоизи сув тошқинлари, 1,6 фоизи табиий ёнғинлар, 0,8 фоизи қор кўчкилари ва бошқалар ҳиссасига тўғри келган.

Республикада 12 баллик халқаро МСК-64 шкаласи бўйича интенсивлиги 7 балл ва ундан юқори бўлган зилзилалар содир бўлиш хавфи мавжуд. Марказий Осиё давлатларининг бир қатор сейсмологик хизматлари ҳар йили турли жадалликдаги 3 мингга яқин ерости силкинишларини қайд этади.

Кучли зилзилаларда энг кўп зарар

кўрадиган уй-жой сектори, хизмат кўрсатиш, иқтисодий, sanoat ва савдо соҳалари бўлиб, уларнинг аксарияти шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида жойлашган. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 70 фоизи сейсмик фаол зоналарда истиқомат қилади. Кўплаб бинолар, айниқса, яқка тартибдаги уйлар қурилиш норма ва қоидаларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилгани сабабли уй-жой қурилиш объектларининг 70 фоизи сейсмик барқарор эмас. Зилзиланинг иккиламчи таъсири ҳалокатли бўлиши ва бошқа хавфларни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори.

Миллий ҳаракатлар режасининг асосий мақсади — бу табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича комплекс чораларни ишлаб чиқишдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тўлаган ТОЖИБОЕВ,
Янгиҳаёт туманидаги
«Иқбол» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимиз давлат корхонасида ишлайди, турмуш ўртоғи олий таълим муассасаси талабаси. Аёли академик таътил олмасдан ўқишни давом эттирмоқчи, шу туфайли эркакнинг ўзи боласи 2 ёшга тўлгунча «декрет» таътилига чиқиш учун ариза ёзмоқчи. Шундай қилса бўладими?

Ота бола парваришlash таътилига чиқа оладими?



Сардор РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Биринчи навбатда, биз кундалик атама-ларни ижтимоий таътиллarga қўлалани тавсия этмаймиз. Қонун ҳужжатларида «декрет таътили» тушунчаси йўқ, иш берувчи ижтимоий таътиллarning барча турларини фарқлаши мумкин, чунки улар турлича тақдим этилади, расмийлаштирилади ва тўланади. Булар — ҳомиладорлик, болаларни парваришlash учун бериладиган, ўқув таътили, ижодий таътиллardир.

Саволдан кўриниб турибдики, бу вазиятда гап ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари ҳақида эмас, балки болани парваришlash учун бериладиган таътил тўғрисида бораяпти. Меҳнат кодексига кўра, бундай таътидан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришlaётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин. Шунга мувофиқ, ходим раҳбарга бола 2 ёшга тўлгунга қадар унга бола парваришlash таътилини тўлиқ ёки қисмларга бўлиб бериш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ходимга ушбу турдаги таътилни она-ларга расмийлаштириладиган бола парвариши таътили билан бир хил тартибда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Эслатиш керак, агар боланинг онаси иш-ласа ҳамда боланинг парвариши ва тарбияси билан машғул бўлса ёхуд ишласа ҳамда назарда тутилган кафолатлардан фойдаланса, отага ёки оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бошқа шахсларга мазкур кафолатлар берилмайди.

Ота бюджетдан ташқари ташкилотда иш-лаётган бўлса ва боланинг онаси ўқиш жойида нафақа олмаса, у нафақа олиш учун ёзма ариза топширган пайтдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга.





«Шифохона ва боғчага узокларга қатнаяпмиз»

Шоҳизинда УСМОНОВ, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Учинор» маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 3 768 нафар аҳоли истиқомат қилиб, ишсизлар сони 120 нафарни ташкил қилади. Шу вақтгача уларнинг 70 нафари доимий ва ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштирилди. Қолган ишсиз фуқароларни ҳудудга яқин жойда фаолият бошлаган хусусий ип йиғириш корхонасига ишга жойлаштириш ҳаракатидамиз.

Айтиш керакки, маҳаллалардаги ободлик нафасидан бизнинг ҳудуд ҳам четда қолмаган. Мисол учун, қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётадиган йўлларимизнинг 1,5 километри шағаллаштирилди. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи канал устига қурилган кўприк қувурларида хас-хашаклар тикилиб қолиши оқибатида сув тўпланиб қоларди. Дастурлар доирасида ана шу қувурлар катта ҳажмдагисига алмаштирилди.

Шунингдек, ҳудуддаги электр симёғочлари анча эскирган. Уларни янгисига алмаштириш учун «Ташаббусли бюджет»га лойиҳа киритмоқчимиз. Ўйлайманки, маҳалладошлар билан ҳамжиҳатликда бу масалага ечим топамиз.

Асосий муаммо — ҳудудда анча вақтдан буён болалар боғчаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктига эҳтиёж

бор. Одамлар болаларини маҳалладан 6 километр узокликдаги боғчага олиб боришади. Худди шундай, одамлар 7-8 километр узокликдаги ҚВПга боришга мажбур. Бу, айниқса, хомиладор, ёш болали аёллар, кексалар ва ногиронлиги бўлганларга ноқулайлик туғдирмоқда. Ушбу муаммолар анча йиллардан буён аҳолини қийнаб келади. Маҳаллада боғча ва қишлоқ врачлик пункти қуриб бериш бўйича туман ҳокимлигига ва тегишли ташкилотларга кўп бора мурожаат қилдик. Ҳозирча натижаси бўлмапти.

Истардикки, маҳалламизда ана шу иккита муассаса қурилиб, одамларнинг сарсон-саргардон юришига чек қўйилса... Шунда фарзандларимиз кўз олдимизда боғчага бориб келарди, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлашарди.

ФИКР

Ислохотлар аксини ўз ҳаётида кўриш, ҳис қилиш одамларга куч беради, эртанги кунга ишонч уйғотади. Бугун маҳалламиз аҳолиси шундай руҳ билан эртанги кунга интиляпти. Халқимиз биздан янги ташаббусларни, маҳалламизда ўзгаришларни кутяпти.

«Ёшлар учун ўйингоҳ керак»



Қурбон НИШОНОВ,
Пахтакор туманидаги «Боғишамол» маҳалласи раиси.

Ҳудудимиздаги жами аҳоли 8 366 нафарни ташкил этади. Асосий «драйвер»имиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Маҳаллада 38 та савдо дўкони, 4 та тикувчилик устахоналари бор. Уларда маҳаллий ёшлар ишлаб, даромад топмоқда.

Жорий йил «Обод маҳалла» дастурига тушдик. Натижада инфратузилмамиз яхшиланмоқда. Хусусан, ички йўллар асфальтлашиб, пиёдалар йўлаклари қурилди. Бугунгача 65 та кўп қаватли уйларнинг том қисми тўлиқ таъмирланди. 50 йиллик эскирган шиферлар янгиланди. 25 та уйнинг ташқи фасади таъмирланяпти. 11,5 км. тупроқли йўлга тош ётқизилди. Яна 6,5 км. йўл асфальтланди. Кўп қаватли уйлар олдида 3,2 км. масофалик пиёдалар йўлакчаси ва 5 та болалар ўйингоҳи барпо этилди. Аёлларимиз учун ўзбекона шаклда 28 та тандирхона, 32 та умумий фойдаланиш учун ҳожатхона қуриб берилди.

Бундан ташқари, маҳалламизда ишсизликни барта-раф этиш мақсадида катта ҳаракатлар бошланган. Иил бошида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда хатловда аниқланган 360 нафар ишсиз фуқароларнинг бугунгача 220 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 140 нафари айнан ҳоким ёрдамчиси кумагида тикувчиликка ўқитилиб, ўзини ўзи банд қилди. Касб-хунар ўрганиб бўлгач, уларга имтиёзли кредит ва субсидия ажратилди. Ҳозирда яна 62 нафар хотин-қиз ўқитилляпти. Жорий йил баҳор фаслида 145 нафар фуқарога 50 сотихдан ер берганмиз. Бугунга келиб улар етиштирган маҳсулотларини бозорга ҳам чиқаришмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш йўналишида «Жиззах вос-ток» хусусий корхонаси билан йирик лойиҳани амалга оширяпмиз. Яъни маҳалламизда бўш турган бинони таъмирлаб, ушбу тадбиркорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Режага кўра, корхона фаолиятини бошлагач, яна 200 та янги иш ўрни яратилади. Бу эса маҳалламизда бирорта ҳам ишсиз қолмайди, дегани.

Умуман, бизда муаммолар бирин-кетин ҳал бўлмоқда. Фақат ёшлар учун битта ўйингоҳга эҳтиёжимиз бор. Бу ҳақда туман ҳокимлиги мутасаддиларига билдирганмиз. Ер масаласи қийин бўляпти. Агар шу муро-жаатимиз ижобий ҳал бўлса, ҳудуддаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига имконият яратиларди.



БИЛАСИЗМИ?

Маҳсулотлар етиштириш ҳажми ошди

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан қарийб 50 минг тонна узум етиштирилган. Энг кўп ҳосил Сурхондарё вилоятида олинган.

Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,7 фоизга ошган. Ўзбекистонда етиштирилган узум умумий ҳажмининг қарийб учдан бир қисми Сурхондарё вилояти (29,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Наманган (15,1 фоиз), Қашқадарё (12,4 фоиз), Бухоро (12,2 фоиз) ва Самарқанд (8,9 фоиз) вилоятларида қайд этилган.

Узум етиштиришнинг умумий ҳажмидаги улушининг энг паст кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикасида (0,7 фоиз), Жиззах вилоятида (1,4 фоиз)га тўғри келгани кузатилди. Бундан ташқари сабзавотлар етиштириш ҳажми 2,3 фоизга ошган. Энг кўп ҳосил Сурхондарё вилоятида олинган. 2023 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3,3 млн тонна сабзавотлар етиштирилган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,3 фоизга ошган.

Етиштирилган сабзавотлар умумий ҳажмининг қарийб учдан бир қисми Сурхон-

дарё вилояти (17,7 фоиз) ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, юқори улуш Андижон (17,5 фоиз), Фарғона (13,1 фоиз) ва Тошкент (10,5 фоиз) вилоятларида ҳам қайд этилган.

Умумий ҳажмдаги паст улуш Қорақалпоғистон Республикаси (1,5 фоиз) ва Жиззах вилоятида (1,9 фоиз) кузатилди.

Ўз навбатида картошка етиштириш ҳажми 3,3 фоизга ошган. Энг кўп ҳосил Самарқанд вилоятида олинган. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан қарийб 1,7 млн. тонна картошка етиштирилган. Бу эса, ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 3,3 фоизга ўсишни кўрсатади. Етиштирилган картошка умумий ҳажмининг 18,5 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, юқори улуш Сурхондарё (13,5 фоиз), Фарғона (12,0 фоиз), Андижон (11,2 фоиз) ва Бухоро (10,2 фоиз) вилоятларида ҳам қайд этилган. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах вилояти (0,7 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикаси (1,7 фоиз) га тўғри келган.

ТАКЛИФ



«Спортга қизиққан кўп, аммо мажмуалар йўқ...»

Худудимиздаги 574 та хонадонда жами 3 139 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ходимларимиз билан биргаликда уларнинг муаммоларини ўрганиб, мурожаатларини ҳал қилишга кўмаклашиб келяпмиз. Аҳоли, асосан, чорвачилик ортидан даромад қилади. Шу орқали оиласини боқади, тўйлар қилади, уйлар куради. Йиғиндаги ишсиз фуқароларни турли ташкилот ва фабрикаларга, доимий ва кунлик ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштиряпмиз.

Ойбек ҲАМДАМОВ,

Оҳангарон туманидаги «Телов» маҳалласи раиси.

Хозирги кунда маҳаллада жами 42 нафар ишсиз фуқаро бор. Уларни жорий йилнинг иккинчи ярмида худуддаги корхоналарга ишга жойлаштиришни режа қилиб турибмиз. Хусусан, ҳозирда маҳалламиздаги корхоналар билан шартномаларни расмийлаштириш ишлари бошлаб юборилган. «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда уларга имтиёзли кредитлар асосида тикув машиналари олиб берилляпти. Айрим аҳоли вакиллари ўзини ўзи банд қилляпти.

Маҳалла инфратузилмаси ҳақида тўхталсак, 12,5 километр узунликда тоза ичимлик сув қувурлари ётқизилиб, аҳоли хонадонларига етказилди. Зеро, авваллари аҳолининг тенг ярами

ичимлик сув билан таъминланмаган эди. Шунингдек, қарор асосида ҳар бири 25 тонна сувни сиғдира оладиган 3 та сув иншооти қуриб фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, худуддаги 60 йиллик электр симёғчалари ўрнига янги темир-бетон устунлар ўрнатилиб, электр симлари тортилди. Шунингдек, «Ташаббусли бюджет»да ғолиб бўлиб, маҳалланинг ички йўллари таъмирланиб, 2,2 километри асфальтлаштирилди. Лойиҳанинг келгуси мавсумларида 5 километр йўлни иккита алоҳида лойиҳа қилиб киритишни режа қилиб турибмиз.

Маҳалла ёшларининг спортга бўлган қизиқиши юқори. Аммо худудда биронта спорт

мактаби йўқ. Ёшлар шаҳардаги спорт мажмуаларига борамиз, дейишса, Оҳангарон шаҳри маҳалладан 18 километр, Олмалиқ шаҳри эса 20 километр узоқда жойлашган. Шу боис йиғиндаги йигит-қизларнинг спорт билан шуғулланишида муаммолар туғилляпти.

Спорт мактаби қуриш бўйича ҳокимликка мурожаат қилдик, жойларда ўтказилган сайёр қабулларда тақлифимизни билдирдик. Ижобий натижа бўлмади. Масъуллар «лойиҳага киритдик, режага киритамиз» деган одатий жавоблар билан қутилишляпти. Агар маҳаллада спорт мактаби қуриб берилса, худуддан етишиб чиқаётган мамлакат ва қитъа чемпионлари сони янада ошарди.

БАНДЛИК

Зиёдулла РЎЗИЕВ,

Кармана туманидаги «Талқоқ» маҳалласи раиси.

— Ходимлар билан биргаликда аҳолининг мурожаатларини жойида ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Бир маҳалладошимиз хусусий фирмада қоровул бўлиб ишляпти. Ойлиги жуда кам, 500 минг сўм атрофида. Иш жойи хусусий бўлгани учун ойликни ошириш бўйича бирор тартиб борми? Маҳалладошимиз қаерга мурожаат қилиши керак?

Хусусий корхонада қанча ойлик оласиз?



Лазиз ҚАРШИЕВ,

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат стандартлари бошқармаси бошлиғи.

— Президентнинг жорий йил 28 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони асосан, бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 980 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, мазкур фармонда иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини ошириш тавсия этилган.

Меҳнат кодексининг 245-моддасида иш вақтининг ойлик нормасини ишлаб берган ва меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат вазифасини бажарган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ойлик миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, маҳалладошимиз ишляётган хусусий фирмада штатлар жадвали тасдиқланган бўлиши керак, мазкур жадвалга асосан, ходимнинг

эгаллаб турган лавозимига тўлашни лозим бўлган миқдор кўрсатилган бўлиши лозим. Агарда ходим иш жойида бир ставкада ишляётган бўлса, бир ойда унинг ойлик маоши 980 минг сўмдан кам бўлмаслиги, ярим ставкада ишляётган бўлса, 490 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Шунга кўра, маҳалладошимиз бир ставкада ишляётган бўлса, унга тўланаётган 500 минг сўм ойлик маош қонунчиликка зид ҳисобланади, бордию ярим ставкада ишляётган бўлса, унга тўланаётган ойлик миқдори тўғри.

Бундай ҳолда фуқаролар иш берувчига, яъни фирма раҳбариятига ёзма равишда мурожаат қилиб, ойлик маошининг нима сабабдан камлигини тушунтиришларини ва ҳуқуқий асосланганлигини сўраши мумкин. Агарда фирма томонидан берилган жавобдан қониқмас ва уни ҳуқуқий асосланганлигини деб ҳисобласа, бу ҳолатда Меҳнат кодексининг 545-моддасига асосан, меҳнат низолари бўйича комиссияга ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақли саналади.

ТАРҒИБОТ

Оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкамдир

Бугун барча маҳаллаларда Ватанимиз Мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Давлатобод» маҳалласида ўтказилди.

Дилфуза ҚЎШОҚОВА.

«Янги ҳаёт — Янги Ўзбекистон учун» шиори остида ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари билан бирга, худуддаги нурунийлар, ёшлар иштирок этди. Қатнашчилар «Оила — муқаддас даргоҳ», «Она-бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади», «Соғлом оила — бахтли ҳаёт» мавзуларида сўхбат қуришди. Кўпни кўрган отахон ва онахонлар оила қадрини, фарзанд тарбияси, уларнинг соғлом вояга етиши бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Тадбир давомида маҳалладаги хотин-қизлар учун айна шу йўналишдаги психологик тренинглари ўтказилди. Унда Учтепа тумани хотин-қизлар бўлими раҳбари, туман бош отинийси Нафиса Қорабоева, маҳаллага бириктирилган психолог Уғилой Иноятова, маҳалла худудда жойлашган 193-умумтаъ-



лим мактаби ўқитувчилари ва 23-оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари зарур маслаҳатларни беришди.

— Маҳалламизда 3 281 нафар аҳоли истиқомат қилади, шундан 1 423 нафари хотин-қизлардир, — дейди «Давлатобод» маҳалла-

си хотин-қизлар фаоли Маъсуда Зайнуллоева. — Маҳалла идораси қошида хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида тикувчилик, тўқувчилик, пазандачилик тўғрисидаги таълим қилинган. Эҳтиёжманд аёллар — доимий эътиборимизда. Жумладан, шундай аёллардан 3 нафарига жарроҳлик амалиёти учун харажатлари тўлаб берилди. Бундан ташқари, 39 нафар хотин-қизга 1 320 000 сўмлик бир марталик ёрдам пули ажратилди. Бугунги тадбир ҳам аёлларимизга маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам бергани билан аҳамиятлидир.

Тадбирнинг бадиий қисмида маҳалладаги 490-мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ўзларининг кўшиқлари, гўзал рақслари билан даврага байрам шукуҳи ва кўтаринки кайфият бағишляпти.

МУАММО



«Чиқиндининг ҳидига сира чидаб бўлмаяпти...»

Йиғинда 568 та хонадонда жами 2 500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда барча ишлар «бешлик» ҳамкорлигида олиб бориляпти.

Дилшод ЮДАШЕВ,

Бўстонлик туманидаги «Қорамозор» маҳалласи раиси.

Маҳаллаимиз тоғли худудда жойлашгани учун сел келиш хавфи юқори. Шу боис ҳозирда сел келиш хавфини камайтириш мақсадида 1086 метр масофада махсус иншоот — тўғон қуриб битказилляпти. Ана шу ишлар тугатилгач, сел хавфи сезиларли даражада камаяди. Қолаверса, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ер ости сув қувурлари ётқизирилиб, худудни доимий ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида кўп ҳажмли сув иншооти қуриб берилди. Шунингдек, авваллари қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётадиган йўлларимиз таъмирланиб, жами 21,4 километр масофада асфальт ётқизилди.

Алоҳида айтишим керакки, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан доимий иш олиб борилади. Хусусан, «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларга имтиёзли кредитлар эвазига тикув машиналари, инкубатор ускуналари ва пишириқ печлари олиб бериляпти. «Ёшлар дафтари»дагиларга ўзини ўзи банд қилиши, тадбиркорликни йўлга қўйиши учун турли-асбоб ускуналар тақдим этиляпти. Айримларининг контракт ва ҳарбий хизмат пуллари қоплаб берилмоқда. Ўз навбатида «Темир дафтар»даги оилаларга моддий кўмак берилиб, ишсиз оила аъзолари корхоналарга ишга

жойлаштириляпти. Умуман, аҳоли ҳар томонлама яхши шароитда яшаши учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмиз.

Бизни қийнаётган айрим масалалар бор. Жумладан, худудда жойлашган «Олмалик кон-металлургия комбинати»га тегишли «Гўлзор» номли болалар дам олиш масканидан чиқаётган чиқиндиларнинг бадбўй ҳидидан одамлар норози. Бу масалада комбинат директоридан тортиб, санитария ташкилотларигача бир неча мартаба мурожаат қилдик. Жавоб бўлмади. Тинмай қилинган мурожаатлар сабаб чиқинди ташланадиган жой девор билан ўраб қўйилди. Лекин улардан чиқаётган бадбўй ҳид кетмади. Боиси оромгоҳнинг чиқинди ташлаш жойи аҳоли хонадонлари билан бир девор, ёнма-ён жойлашган...

Истардикки, мутасаддилар мазкур масалага жиддий эътибор беришса, яхши бўларди. Оромгоҳнинг худуди катта, 10 гектар майдонда жойлашган. Чиқинди ташлаш жойини бошқа жойга кўчиришни наҳотки иложи бўлмаса? Ахир одамлар бадбўй ҳиддан ва унга келадиган турли ҳашаротлардан безор бўлиб кетди-ку. Ҳар томонлама ривожланаётган маҳаллаларга бундай муаммолар ярашмайди.

ҲОЛАТ

«Масъуллар мурожаатни жавобсиз қолдиряпти»

Маҳаллада ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган ва шунга интиланларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар томонлама кўмаклашиб келяпмиз. Кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларга имтиёзли кредитлар асосида тикув машиналари олиб берилиб, бандлиги таъминланяпти. Шу орқали улар оиласига қўшимча даромад киритиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда.



Азизжон ЯХШИЕВ,

Олмалик шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи раиси.

Худудни ободонлаштириш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, маҳалланинг кириш қисмига арка ўрнатилди. Ўтган йили ички кўчалар таъмирланиб, асфальтлаштирилди. Одамларнинг равон йўлларда юришига имконият яратилган. Худудда эски, деворлари нураб кетган 5 та кўп қаватли уй бор, уларни капитал таъмирлашни режа қилиб турибмиз. Шунингдек, йиғиндаги қулаш арафасига келиб қолган симёғочлар ва уларнинг симларини янгисига алмаштириб, айни қиш вақтида электр токи узилиши муаммосини ҳал қилиш ҳаракатидамиз.

Маҳалламизда кўп йиллардан буён футбол майдончаси йўқ. Йиғиндаги ёшлар бошқа

худуддаги спорт майдончаларига бориб, бўш вақтида спорт билан шуғулланишади. Футбол майдончаси ташкил этиш учун маҳалла худудида жой ҳам бор. Аммо мутасаддилар мурожаатларимизга эътибор беришмаяпти. Ҳокимлик ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Жавоб бўлмади. Аҳоли масъуллар фаолиятдан норози...

Агар худуддаги бўш жойдан футбол майдончаси қуриб берилса, ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига имконият яратилган бўларди. Қолаверса, мурожаатларимизга мутасаддилар ўз вақтида эътибор қаратиб, аҳоли билан яқиндан ишлашни йўлга қўйса, нур устига нур бўларди. Одамларни қийнаб келадиган муаммолар тезда ечим топарди.

БИЛАСИЗМИ?

Ёш болали аёлларни ишдан бўшатиб бўлмайдами?

Амалдаги Меҳнат Акодексида иш берувчининг манфаатларини чеклайдиган, иш берувчини иложсиз ҳолатга солиб қўядиган баъзи нормалар мавжудки, шулардан бири ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслигидир.

Ушбу нормага кўра, ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Албатта, корхонанинг бутунлай тугатилиши ҳоллари бундан мустасно. Муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи аёлларни ишга жойлаштириши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 238-моддасига кўра, аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан

ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллар бериш, имтиёзли иш режими билан ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади. Бу кафолат ва имтиёзлар ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган

бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

Боласи уч ёшга тўлгунча қадар бола парваришlash таътилида бўлган ходим билан меҳнат шартномасини ходимнинг малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига ёки бажараётган ишига лойиқ эмаслиги муносабати билан иш берувчининг ташаббусига кўра Кодекснинг 161-моддаси иккинчи қисмининг 3-бандига (ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли эгаллаб турган лавозимига ёки бажараётган ишига мувофиқ эмаслиги) мувофиқ, бекор қилишга ходим таътидан чиққан кундан эътиборан бир йил ичида йўл қўйилмайди.

Демак, янги Меҳнат кодекси 409-моддасига кўра, 3 ёшгача бо-

ласи бор аёл ёхуд 3 ёшгача бўлган болани ёлғиз тарбиялаётган ота (васий) билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга фақат Кодекснинг 161-моддаси иккинчи қисмининг 1-(ташкilot (унинг алоҳида бўлини-маси) ўз муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан тугатилганлиги ёхуд яқка тартибдаги тадбиркор томонидан фаолиятнинг тугатилганлиги), 4-(ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлиги) ҳамда 5-бандлари (ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта кўпол равишда бузганлиги) да назарда тутилган асослар бўйича йўл қўйилади.

Гулбахор ҒУЛОМХОНОВА,
Пискент туманидаги «Бекобод» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда давлат корхоналарида ишлайдиган фуқаролар билан бирга, хусусий секторда, тадбиркорлик фаолиятида банд бўлганлар ҳам истиқомат қилади. Уларнинг орасида ўз уй-жойига эга бўлмаган, хонадонда яшовчилар бор. Шундай тоифадаги фуқаролар маҳаллага чиқиб, расмий даромад манбаига эга бўлмаса-да, субсидия асосида уй олиш мумкинми, дея сўрашади. Шу ҳақда маълумот берсангиз...



МЕНДА САВОЛ БОР...

Лола ТҶАХҲУЖАЕВА,
Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла раиси:

— Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида тадбиркорлик учун турли йўналишларда имтиёзли кредитлар ажратилади. Бироқ банклар ҳар гал ҳам фуқароларга кредит беравермайди. Сабабини сўрасак, қарз олувчининг аввалги кредитлар бўйича салбий кредит тарихи шаклланганини айтишади. Хўш, кредит тарихи нима? Уни қандай яхшилаш мумкин?

Банк кредит бермаса, бунинг сабаби борми?



Элбек ШАРИПОВ,
«Халқ банки» Учтепа филиали масъул ходими:

— Кредит тарихи, бу — сизнинг кредит ва қарзларингиз ҳақидаги маълумот. Унда кредитлар қачон, қанча миқдорда ва қаердан олингани, кейин қандай қайтарилгани ва буни ким сўрагани тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Буларнинг барчаси «my.gov.uz»нинг кредит тарихи бўлимида сақланади.

Салбий кредит тарихи қандай шаклланади? Бунинг асосий кўрсаткичлари, бу — кечиктирилган муддат ва юқори кредит юки. Айниқса, агар қарз олувчи судга берилган бўлса ёки у кредитни умуман тўламаган бўлса, бу салбий омиллардан бири ҳисобланади. Бундай ҳолатларда банк қарз беришдан бош тортиши мумкин.

Агар сизда Мажбурий ижро бюроси билан боғлиқ муаммо бўлса, бу ҳам кредит олиш учун тақдим этган аризангизнинг тасдиқланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мажбурий ижро бюросида коммунал тўловлар бўйича қарздорлик, алиментларни кечиктириш, жарималар ва бошқа давлат тўловларини тўлаш муддати ўтказиб юборилганлик бўйича

судда кўриб чиқилган барча ҳолатлар қайд этиб борилади ва давлат органлари бунга эътибор қаратиб келади.

Агар сиз кредит бўйича кафили бўлсангиз ва ушбу кредитни тўлаш салбий кечган бўлса, бу ҳам кредит тарихингизни ёмонлаштиради. Кредитор олдида кафил ҳам, қарздор ҳам бирдек жавобгар бўлади.

Кредит тарихини қандай яхшилаш мумкин? Жуда кичик миқдорда кредитлар олинг ва уларни жуда эҳтиёткорлик билан тўланг. Шундай қилиб, 2-3 йил ичида сиз кредит ташкилотлари билан ижобий муносабатлар тарихини яратишингиз мумкин бўлади. Шунингдек, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашни унутманг. Мобиль телефонда ва/ёки бошқа курилмаларингизда қарздорликни сўндириш саналарини белгилаб бориш ва муддатига риоя қилиб боришга ҳаракат қилинг.

Юқоридаги ҳолатда фуқаро аввалги кредитларини вақтида сўндирмагани ёки қарз юки ошиб кетгани учун унга банк қайта кредит беришни рад этган бўлиши мумкин.

Расмий даромади бўлмаганга ипотека кредити берилди



Акбар НИҒМАТОВ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ипотека ва уй-жой дастурларини шакллантириш, соҳани ривожлантириш ва молиялаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари:

— Жорий йил 13 апрелда давлатимиз раҳбарининг «2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда эндиликда расмий даромадга эга бўлмаганларга ҳам ипотека кредити ажратилиши назарда тутилган. Мисол учун, эндиликда «Яндекс» такси ҳайдовчилари ҳам субсидия ва ипотека кредитидан фойдалана олади. Бундан ташқари, мавсумий ёлланма ишчилар ҳам тўлов қобилиятларини асослаб, ипотека кредити олишлари мумкин.

Субсидия ажратишга доир аризалар 2023 йил 1 майдан қабул қилиниб, 2023 йил 1 декабрга давом этади. Ипотека кредитлари бўйича фуқаро субсидия олиш учун исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказига ўзи бориб мурожаат эта-

ди ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиши мумкин.

Расмий даромадга эга бўлмаганларга субсидия ажратишда ушбу фуқароларнинг тўлов қобилияти уларнинг банк картасидаги айланмаси, ижара, коммунал ва бошқа харажатларини ҳисобга олиш орқали аниқланади. Банкларга дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, кредитлар бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Бунда дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаро арзонроқ кредит олиши имконига эга.

Субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилди. Бунда фуқаро 4 ойда сертификатдан фойдалана олмаса, у субсидияга қайта ариза


топиши мумкин. Бундан ташқари, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Халқарвар комиссияларнинг хулосасига асосан, хато ажратилган субсидия сертификатларини тўғридан-тўғри бекор қилиш ва тўловларни тўхтатиш ҳуқуқи берилди.

Фуқаролар томонидан уй-жой сотиб олишда давлат бюджетидан субсидия ажратилиши учун ариза берувчи ёки оиланинг ўртача ойлик даромади Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,7 бараваридан 8 бараваригача (2 миллион 646 минг сўмдан кам бўлмаслиги ва 7 миллион 840 минг сўмга тенг ёки кам бўлиши зарур) ва Тошкент шаҳрида белгиланган МҲТЭКМнинг 2,7 бараваридан 9,2 бараваригача (2 миллион 646 минг сўмдан кам бўлмаслиги ва 9 миллион 16 минг сўмга тенг ёки кам бўлиши зарур) бўлган оилаларга ажратилади.

БИЛИБ ҚҲЙИНГ!

Ижарачини муддатидан олдин уйдан чиқариб юбориш мумкинми?

Уй-жойни ижарага олганда (ёки берганда) ёзма шартнома тузилмаслиги аксарият ҳолатда турли муаммоларга сабаб бўлади. Масалан, уйнинг эгаси муддатидан олдин ижарачиларни уйдан чиқариб юборишга эҳтиётсизлик билан қарор қилиши мумкин. Ижара шартномасида уй-жойга зарар етса, уни ким тўлаши кераклиги тўғрисида келишмовчиликлар келиб чиқади. Ижарага олиш-бериш тартибига амал қилинмаслиги айрим ҳолатларда маъмурий жавобгарликка тортилишга олиб боради.



Уй эгаси ижарачиларни муддатидан аввал уйдан чиқариб юбориши мумкинми? Мумкин, фақатгина маълум шартлар билан. Ижара шартномаси икки томоннинг келишуви билан бекор қилинади. Аммо қуйидаги ҳолатларда уй эгаси ижара шартномасини бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилиши мумкин:

1) ижарага олувчи 6 ой давомида, бир йилгача ижарада эса ҳақ тўлаш муддати ўтганидан кейин 2 мартадан кўпроқ ҳақ тўламаган бўлса (агар шартномада узокроқ муддат белгиланган бўлмаса);
2) ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи

жавобгар бўлган бошқа шахслар уй-жойни вайрон қилса ёки унга зарар етказса;

3) уй-жойдан ғайриҳуқуқий қилмишларни содир этиш учун фойдаланилса.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ижара шартномаси бир томоннинг истаги билан фақатгина суд тартибидан бекор қилинади.

Ижарага олинган уйни ким таъмирлайди? Агар уй эгаси ва ижарага олувчи бошқача келишмаган бўлса, уй-жойни жорий таъмирлаш ижарага олувчининг, капитал таъмирлаш эса уй эгасининг зиммасида. Масалан, ижара муддати давомида сув

қувурларининг ёрилиб кетиши натижасида девор юзасига кичик зарар етди. Бундай ҳолатда ижара олувчи таъмирни бўйича олади. Агарда сув қувурларининг ёрилиши уйнинг катта қисмини шикастлантирса, уй эгаси таъмирлайди.

Ижарага олинган уйни бошқа кишига ижарага бериш мумкинми? Мумкин. Ижарага олувчи уй-жойни бир қисмини ёки тўлиғича бошқа шахсга ижарага бериши (иккиламчи ижара) мумкин. Фақатгина икки шарт билан — асосий ижара шартномаси муддати бир йилдан кам бўлмаслиги ва уй эгасининг розилиги олиниши керак.

ШАХСИЙ ФИКР



Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилгач, тадбиркорликка лаёқати бор, аммо иқтисодий имконияти пастроқ бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Айниқса, эҳтиёжманд ва ишсиз қатламга молиявий кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, камхарж оилалар даромадини оширишга эришилди. Бунда бизнинг маҳаллада ҳам ҳоким ёрдамчиси Собир Юнусов яқиндан кўмак бермоқда. Биргаликда муаммоларни бартараф этяпмиз. Таклифлар ишлаб чиқяпмиз.

Абдулҳаким АҲМЕДОВ,
Зафаробод туманидаги
«Писталикент» маҳалласи раиси.

«Нега расман ишсизларга субсидия берилмайди?»

Ҳоким ёрдамчилари Ҳукуматнинг амалдаги тегишли норматив ҳужжатларига асосан фақатгина ижтимоий дафтарларда рўйхатга олинган оилаларгагина субсидия олиши учун тавсиянома беряпти, холос. Лекин, ишсиз ва бандликка кўмаклашиш маркази базасида рўйхатдан ўтган фуқаролар «online-mahalla.uz» платформаси орқали субсидия сўраб мурожаат қилса, инсон омилсиз тўғридан-тўғри скорингга рад этилмоқда.

Сабаби, ушбу ишсиз фуқаролар ижтимоий дафтарда турмайди. Фақатгина «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»даги фуқароларгагина субсидия ажратиш бўйича тавсия берилмоқда. Шу боис тавсия ололмаган ишсиз фуқаролар орасида рўйхатдан ўтишга хай-

рихоҳлар сони кескин ошиб кетмоқда. Ҳозирги кунда кўпчиликнинг ижтимоий дафтарларга киришдан асосий мақсади – субсидия орқали олинадиган меҳнат қуроллари билан ўзини ўзи банд қилиб, даромад келтируви фаолият тури билан шуғулланиш. Шу сабаб ижтимоий дафтарларга кирмаган, рўйхатда турган расман ишсиз фуқароларга ҳам субсидия ажратиш амалиётини йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман.

Қолаверса, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида тадбиркорликни бошлаш ёки фаолиятини ривожлантириш учун ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси билан фуқароларга нақд пулда 5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилмоқда. Лекин бу маблағ тадбиркорликни бошлаш учун етарли бўлмапти.

Назаримда дастур асосида кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун 20 млн. сўм нақд кўринишда имтиёзли кредит бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ишсиз ёхуд кам даромадли оилалар айрим сабаблар билан ижтимоий реестрларга кирмай қолгани боис, аҳоли оғирлиги яққол кўриниб турган бўлса-да, ижтимоий нафақа, субсидия, бир марталик ёрдам ололмайди.

Таклифим – юқорида таъкидланган шундай оилаларга маҳалла раиси тавсияси билан маҳаллий бюджет ёхуд муайян бир жамғарма ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда моддий ёрдам ажаратилиши керак.

БИЛАСИЗМИ?

Талабаларни ётоқхонага жойлаштириш фақат электрон шаклда бўлади

Ҳукумат қарори билан Давлат Ҳолий таълим муассасаларининг талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Қарорга кўра, давлат ОТМ талабалар турар жойига жойлашиш фақат давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Бунда талабаларга навбатни онлайн кузатиш ва тўловларни амалга ошириш имконияти яратилади. талабалар билан тузиладиган турар жой ижара шарт-

номалари давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) технологияси орқали онлайн ҳисобга қўйилади.

2023/2024 ўқув йилида 1-курс талабалари учун давлат ОТМ талабалар турар жойига жойлашиш давлат хизмати марказлари ва my.gov.uz орқали бепул электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Аризалар 20 августдан қабул қилинади. 2-курс ва ундан юқори курс талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш анъанавий тарзда амалга оширилади. Бунда ётоқхонага жойлашиш учун ариза ОТМ

талабалар турар жойларига жойлаштириш комиссиясига 2023 йил 25 августгача топширилади.

2024/2025 ўқув йилидан бarchа курс талабалари учун давлат ОТМ ётоқхонасига жойлашиш онлайн амалга оширилади. Бунда талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза бериш ҳар йили 1 августдан бошланиб, ўқув йили якунигача давом этади.

Регламентга мувофиқ, айрим тоифадаги талабалар ётоқхонага устуворлик асосида қабул қилинади. Шунга кўра, талабалар турар жойига жойлашиш учун йўлланма дастлаб имтиёзли рўйхат, сўнг умумий рўйхатдаги навбат бўйича автоматик шаклантирилади.

ТАКЛИФ

«Ер ажратилгану қурилиш бошланмаган»



Фаолиятимиз давомида аҳоли муаммоларини ўрганиб, мурожаатларига ижобий ечим топяпмиз. Худудда 508 та хонадонда жами 2 358 нафар аҳоли истиқомат қилиб, одамларнинг деярли 40 фоизи чорвачилик ортидан кун кўради. Қолган фуқаролар давлат ташкилотларида, фабрикаларда ишлашади. Маҳаллада завод ва фабрикалар кўп бўлгани учун йиғинда ишсиз аҳоли вакиллари йўқ.

Миршароф ЗУЛПИЕВ, Оҳангарон туманидаги
«Унгут» маҳалласи раиси.

Худуддаги аҳоли йўлларнинг носозлиги ва болалар боғчаси йўқлигидан азият чекарди. Утган йили маҳалланинг ички йўллари таъмирланиб, 6 километр масофада асфальт ётқизилди. Одамларнинг кўп йиллик орзуси амалга ошди. Шу билан бирга, ҳомийлик асосида худудда 192 ўринли болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди. Авваллари фарзандини кўшни маҳаллалардаги боғчаларга олиб боришга мажбур бўлган фуқароларга қулайлик яратилди.

Шунингдек, худудда болалар майдончасига эҳтиёж бор эди. «Обод маҳалла» дастури доирасида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун майдонча қуриб берилди. Қолаверса, эски симёғочлар ўрнига янги, замонавий кўча ёриткичларига эга темир-бетон устунлар ўрнатилди. 3 км. узунликда янги электр тармоғи тортиб берилди. Жорий йил «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига таъмирталаб, эски 192 ўринли мактабни капитал таъмирдан чиқариш лойиҳасини киритганмиз. Аҳоли билан ҳамжиҳатликда кўзлаган мақсадимизга эришмоқчимиз.

Ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Мисол учун, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун футбол майдончасига эҳтиёж бор. Бу бўйича тадбиркорга маҳалла худудидан ер майдони ажратилган. Бирок, мана, орадан 4 йил вақт ўтдики, ҳамон футбол майдончасидан дарак йўқ. Ушбу муаммо бўйича ҳокимликка, сектор раҳбарига мурожаат қилдик, фойдаси бўлмади. Ҳамма муаммонинг ҳал бўлишини тадбиркор зиммасига юклайди. Тадбиркорга айтсак, ҳозир майдон қуриш учун маблағи етарли эмаслигини рўқач қилаверади. Фарзандларимиз бошқа худудлардаги пуллик футбол майдонларига боришяпти. Хуллас, айти шу масала бир неча йилдан бери ечимини кутаяпти.

Истардикки, ҳокимлик кўмаги билан футбол майдончаси қуриб берилса, ёшларимиз бошқа маҳаллаларга бориб сарсон бўлмасди. Агар тадбиркор қурилишни амалга оширишни истамаса ёки имкони етмаса, марҳамат, бошқа тадбиркор жалб қилиниши керак. Бу бўйича ҳам ҳокимликка таклиф киритганмиз.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
**Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Мансурбек ЖАББОРОВ**
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий
газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyі» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчами – А3, 4 босма табоқ.
7 930 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-818
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

